VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

51 (483) ● 2017 йил 10 декабрь, якшанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ БУНЁДКОРИ БЎЛГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИНИ УЛУҒЛАШ, СОҲА РИВОЖИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли қишлоқ хўжалиги ходимлари!

Мен учун қадрли бўлган деҳқон ва фермерлар!

Муҳтарам дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни ва сизлар орқали бутун халқимизни юртимизда биринчи маротаба нишонланаётган **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни** байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугун мана шу муҳташам кошонада йиғилган миришкор деҳқон ва фермерлар, сувчи ва ирригаторлар, механизатор ва агрономлар, аграр тармоқ олимлари тимсолида дунёдаги энг шарафли касб эгаларини кўриб турибмиз.

Узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган инсон сифатида менинг турли соҳа вакиллари орасида дўстларим, танишларим кўп. Лекин **қалбимга энг яқин инсонлар, қадрдонларимнинг энг кўпи мана шу соҳа — қишлоқ хўжалиги тармоқларида, десам, ишонинглар, айни ҳақиқатни айтган бўламан.**

Бу билан мен, албатта, доимо чин дилдан фахрланаман, сизларни қалбимга, юрагимга энг яқин ва азиз инсонлар, деб биламан.

Чиндан ҳам, ҳаммамиз болалигимиздан ерга, деҳқончилик ва чорвачиликка меҳр қўйганмиз.

Бу соҳанинг меҳнати қанчалик шарафли, нони эса, қанчалик тотли ва ширин эканини барчамиз яхши биламиз.

Деҳқон деганда, беполн далалар, боғу роғлар, дастурхонимиздаги турли ноз-неъматлар, тўй-томошалар, хурсандчилик кунларимиз, бутун ҳаётимиз кўз олдимизда намоён бўлади.

Шу маънода, **деҳқон бу — ҳаётнинг бақувват устуни, тирикликнинг мустаҳкам таянчи,** десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомиз **"олам аҳлининг тўқлиги, кувончи, аввало, ерга уруғ сочиб, бебаҳо ноз-неъмат етиштирадиган фидойи инсонлар меҳнатидандир"**, деб миришкор деҳқонлар хизматига жуда катта баҳо берганлар.

Мамлакатимизда ҳамма соҳа вакилларининг байрами бор. Лекин барчамизни, бутун халқимизни боқадиган, кийинтирадиган қишлоқ хўжалиги ходимларининг байрами шу пайтгача йўқ эди. Шуни ўйлаб, очиғини айтганда, мен сизларнинг олдингизда ва бутун заҳматкаш деҳқонларимиз олдида ҳақиқатдан ҳам хижолат бўлиб юрардим. Албатта, бу адолатдан эмас эди.

Шунинг учун махсус қонун қабул қилиб, **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаганимиз, ўйлайманки, ҳаётимиздаги яна бир адолатли қарор, халқимизнинг дилидаги гап бўлди.**

Илгари республикамизда деҳқончилик мавсуми якуни бўйича қишлоқ хўжалиги ходимларининг қурултойи ўтказилар эди. Бундай қурултойларда ўтган мавсумда қўлга киритилган ютуқлар ҳам, йўл қўйилган камчиликлар ҳам батафсил таҳлил қилинар, соҳага тегишли янги режалар белгилаб олинар эди.

2-бет

ДЕҲҚОН БУ — ҲАЁТНИНГ БАҚУВВАТ УСТУНИ, ТИРИКЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 9 декабрь куни Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Тадбирни видеоселектор орқали 157 мингдан зиёд соҳа ходимлари кузатиб борди.

Давлатимиз раҳбари барча йиғилганларни юртимизда биринчи маротаба нишонланаётган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни байрами билан муборакбод этди.

Миришкор деҳқон ва фермерлар, сувчи ва ирригаторлар, механизатор ва агрономлар, аграр тармоқ олимлари дунёдаги энг шарафли касб эгаларидир. Бу соҳанинг меҳнати қанчалик шарафли, нони эса қанчалик тотли ва ширинлигини ҳамма яхши билади. Деҳқон деганда, беполн далалар, боғ-роғлар, дастурхондаги турли ноз-неъматлар, тўю-томоша, хурсандчилик кунларимиз, бутун ҳаётимиз кўз олдимизда намоён бўлади.

Президентимиз айтганларидек, деҳқон бу – ҳаётнинг бақувват устуни, тирикликнинг мустаҳкам таянчидир. Буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомиз "олам аҳлининг тўқлиги, кувончи, аввало, ерга уруғ сочиб, бебаҳо ноз-неъмат етиштирадиган фидойи инсонлар меҳнатидандир" деб, миришкор деҳқонлар хизматига жуда катта баҳо берган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев йил якунига етаётган ҳозирги паллада аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларини таҳлил қилиш ва келаси йил учун энг муҳим чора-тадбирларни белгилаб олиш долзарб вазифа эканини таъкидлади.

Қайд этилганидек, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш натижасида мамлакатимизда кейинги йилларда 160 мингдан ортиқ фермер хўжалиги шаклланиб, улар бугунги кунда 10 дан зиёд йўналишда самарали фаолият юритмоқда. Кейинги икки йилда кўп тармоқли фермер хўжаликлари 45 фоиз кўпайиб, уларнинг сони 75 мингтага етди. Фақат шунинг ҳисобидан жойларда, узоқ-узоқ қишлоқларда юз минглаб иш ўринлари яратилди.

Жорий йил мамлакатимизда 8 миллион 377 минг тонна ғалла, 2 миллион 930 тоннадан зиёд пахта, 12 минг 450 тонна пилла, 318 минг тонна шоли, 23 миллион тонна мева-сабзавот, 13 миллион тонна гўшт ва сут маҳсулотлари етиштирилди.

Мамлакатимизда биринчи марта шафран экиш йўлга қўйилди, соя экиш кенгайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта ишланиб, 100 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинди. 856 миллион долларлик 724 минг тонна хўл мева хорижга сотилди.

Чорвачилик тармоғини ривожлантириш дастурлари доирасида балиқ, асал етиштириладиган, парранда, эчки, қорамол боқиладиган кўплаб хўжаликлар фаолияти йўлга қўйилди. Зотдор қорабайир отларини кўпайтириш ва от спортини ривожлантириш мақсадида Қашқадарёда янги йилқичилик комплекси ташкил этилди. Тошкент вилоятида ва юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бундай мажмуалар барпо этилмоқда.

Балиқчилик соҳасини тиклаш учун "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ташкил этилди. Унинг тизимига 3 минг 600 балиқчилик хўжалиги киритилди. Жорий йилда 580 минг гектар табиий ва 28 минг гектар сунъий кўлларда 100 минг тоннадан ортиқ балиқ етиштирилди.

3-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, тармоқни комплекс модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фермерлик ҳаракатини янги босқичга кўтариш, замонавий инновацион ишланмалар ва илғор хорижий тажрибаларни амалиётга жорий этиш каби долзарб масалалар ечимига қаратилган ислоҳотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Ўз навбатида, бугунги кунда аграр соҳада эркин бозор муносабатларини жорий этиш, таълим, фан ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интеграциялаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тизимни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, барча қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириб, халқимизнинг ризқ-рўзи ва фаровонлигини, юртимизнинг иқтисодий қудратини ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, аграр секторда ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ва давлат дастурлари ижросини таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, илғор агротехнологияларни амалиётга жорий этиш борасидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор"

Хайдарова Зайнаб — Нарпай туманидаги "Меҳнат-роҳат" фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими"

Ахмедов Мухамад Исматович — Бухоро туманидаги "Маданият Муҳаммад Исмат" фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор"

Рахимов Ботир — "Аму-Қашқадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Хамраев Шавкат Рахимович — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи"

Сангинов Абдугани Абдурахмонович — "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Абдуллаев Умид Валиевич — УзГИП" масъулияти чекланган жамияти техник директори

Амиркулов Курбан — Музработ туманидаги "Амиркул бобо" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Муротова Лола Неъматовна — Олтиариқ туманидаги "Нурли обод" фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Хаджаев Мансурхаджа — Фарғона вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи

4-бет

☑ Муносабат

ХАЛҚИМИЗ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУРИНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини тинглаб, ўтган даврда, хусусан, сўнгги бир йил мобайнида юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар, халқ фаровонлиги йўлидаги амалий ишлардан фахр-ифтихор туйдик. Олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатларда Бош қомусимиз пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани унинг пухта, пишиқ ва ҳаётий эканлигини яна бир карра тасдиқлади.

Бугун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган қоида ва меъёрлар асосида тараққиёт сари қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда, барча соҳадаги ҳуқуқ ва ваколатлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, ҳаётий эҳтиёж ва қарашлари ўз вақтида, замон талаби даражасида таъминланаётир. Жумладан, келажагимиз эгалари бўлган ёшлар масаласига ўтаётган йил давомида алоҳида эътибор қаратилиб, бир қатор муҳим ва долзарб ишлар амалга оширилди. "Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси авваламбор юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ", деди давлатимиз раҳбари ўз маърузасида.

5-бет

☑ Сайловчилар билан юзма-юз

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

Айни пайтда Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига шу йил 24 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайлов жараёнига тайёргарлик ишлари қизғин давом этаётир. Сиёсий партиялар ҳамда депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқот тадбирларини юқори босқичга олиб чиқмоқда. Бу жараёнда депутатликка кўрсатилган ҳар бир номзод яратилган шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланишга интиляпти.



6-бет

☑ Бугуннинг гапи

ЗАМОНАВИЙ МАМЛАКАТГА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЯРАШАДИ

ЁХУД "ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ" АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭСКИ "ЯНГИЛИГИ" ХУСУСИДА

...Бекатда матбуот анжуманига бориш учун автобус кутиб турибман. Аксига олиб бекатдаги автобус келиш вақтини кўрсатиб берувчи табло ҳам ишламаяпти. Катта-катта ҳарфлардаги "Error" ёзувини кўриб кайфиятим тушди. Кутилган улов чамаси ўн дақиқа ўтиб етиб келди. Тез чиқиб олдим. Қарасам, яна чиптачи йигит. Олд эшик томондан бир қўлида ўрамли чипта, иккинчи қўлида тахлам пул билан "қани, чиқ...", деб йўловчиларни бирма-бир "назоратдан" ўтказиб келяпти.

Бу чиптачини анчадан бери танийман. У аввал бошда "қани, бу ёқдан чиққанлар, чипта олволамиз-а", дерди. Вақт ўтиши билан бир гапни такрорлайвериб зерикди, шекилли, қисқагина қилиб, "қани, чиқ...", дейдиган бўлди.

Йўловчилар ҳам ўрганиб қолган: бу чала гапга ортиқча парво қилмай йўл ҳақини узатади. Чиптачи орқа эшикка етиб келгунича таниш бино — Миллий матбуот маркази ҳам кўриниб қолди. Тушаётиб йўлҳақига ўн мингталик узатдим. Бекатда тўхтаган автобус чиптачи қайтим узатгунича кутиб турди. Автобусдан тушдиму, бино томон югурдим. Борсам, тадбир аллақачон бошланиб бўлган экан...

7-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
51 (483) 2017 йил 10 декабрь, якшанба

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ БУНЁДКОРИ БЎЛГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИНИ УЛУҒЛАШ, СОҲА РИВОЖИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бугун биз нафақат қишлоқ хўжалиги соҳаси, балки бутун ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиз тараққиёти учун янги уфқларни очиб берадиган ана шундай анжуманни – эзгу анъанани қайта тикламоқдамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳозирги кунда аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларини таҳлил қилиш ва келгуси йил учун энг муҳим чора-тадбирларни белгилаб олиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш натижасида мамлакатимизда кейинги йилларда 160 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари шаклланиб, улар бугунги кунда 10 дан ортиқ йўналишларда самарали фаолият юритмоқда.

Энг қувонарлиси, 12 мингдан зиёд фермер хўжалиги раҳбарларини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этса, 6 мингдан ортиқ фермер хўжалигига хотин-қизларимиз раҳбарлик қилмоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари охирги икки йилда 45 фоизга кўпайиб, бугунги кунда уларнинг сони 75 мингтага етди. Фақат шунинг ҳисобидан жойларда, узоқ-узоқ қишлоқларда юз минглаб янги иш ўринлари барпо этилди.

Олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар, фермерлик ҳаракатининг ривожланиши натижасида жорий йилда мамлакатимиз бўйича 8 миллион 377 минг тонна ғалла етиштирилди.

Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли 2 миллион 930 тоннадан зиёд пахта ҳосили, 12 минг 450 тонна пилла, 318 минг тонна шоли, 23 миллион тонна мева-сабзавот, 13 миллион тонна гўшт ва сут маҳсулотлари олишга эришдик.

Бу йил биринчи марта ғалладан бўшаган қарийб 1 миллион гектар майдонга сабзавот, картошка, полиз ва дуккакли экинлар экилди ва 5,5 миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилди.

Қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонларнинг даромадини ошириш борасида олиб бораётган тизимли ишларимиз ҳам аста-секин ўз самарасини бермоқда.

Масалан, жорий йилда 96 минг гектар ҳосилдорлиги паст майдонларда пахта ва ғалла ўрнига 32 минг гектар ерда карам, турли сабзавот ва кўкатлар экилди ва бу майдонлардан олинган минглаб тонна маҳсулотлар экспорт қилинди. Шунингдек, 11 минг гектарда интенсив боғ ва янги токзорлар, 1 минг 500 гектарда иссиқхоналар барпо этилди.

Бу борада Испания, Польша, Нидерландия, Греция, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Вьетнам ва Индонезия давлатларининг илғор тажрибасидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, мамлакатимизда биринчи марта шафран каби ноанъанавий экин экиш йўлга қўйилди, соя экиш кенгайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта ишланиб, 100 миллион долларлик тайёр маҳсулот, эътибор беринг, тайёр маҳсулот экспорт қилинди. 724 минг тонна ҳўл мева четга сотилди ва бу юртимизга 856 миллион доллар валюта келтирди. Ҳолбуки, илгари минг-минг тонна турли ширин-шакар меваларимиз далада қолиб, чириб кетар, исроф бўларди, энг ёмони, увол бўлар эди.

Биринчидан, республикамиз бўйича **445 минг гектар энг унумдор ер аҳолига томорқа сифатида берилган.**

Лекин томорқадан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Бу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш тизими йўқ, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Соҳада назоратни таъминлаш, томорқа эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига қатор ваколатлар берилди.

Вазирлар Маҳкамаси (З.Мирзаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Б.Юсупов), Касаба уюшмалари федерацияси (Қ.Рафиқов), "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси (А.Абдуллаев), "Маҳалла" жамғармаси (Ш.Жавлонов), Хотин-қизлар қўмитаси (Т.Норбоева) ва ҳудудлардаги секторлар раҳбарлари уйма-уй юриб, аҳолига томорқадан самарали фойдаланиш юзасидан зарур тавсия ва амалий ёрдам бериш механизмини ишлаб чиқиб, амалга ошириши лозим.

Бу ишларни самарали йўлга қўйиш натижасида томорқалардан мева, сабзавот, картошка, кўкат, дуккакли ва бошқа маҳсулотлар етиштириш имкониятлари янада кенгаяди.

Шунингдек, аҳоли томорқаларида цитрус меваларини етиштиришга мўлжалланган иссиқхоналар барпо қилиш, ёнғоқ, унаби ва бошқа кўчатлар етиштиришни ташкил этиш лозим.

Олтинчидан, ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги 146 минг 295 та қишлоқ хўжалиги **техникасининг 38 фоизи аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган, яъни бутунлай эскирган.**

Айниқса, мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган туманлар боғ ва токзорларга ишлов бериш, сабзавот экиш, парваришлаш ва йиғиб олишга мўлжалланган техникалар билан бор-йўғи 34 фоиз таъминланган, холос. Бу меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Айни пайтда мамлакатимиз бўйича 16 минг 495 та қишлоқ хўжалиги техникаси етишмаслиги аниқланган. Бунинг оқибатида белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишнинг имкони бўлмаяпти ва шунинг учун пировард натижада кутилган самарага эришилмаяпти.

Бош вазир ўринбосарлари Зойир Мирзаев, Жамшид Қўчқоров ва Нодир Отажоновга қишлоқ хўжалиги техникасини юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, зарур ҳолларда уларни хорижий давлатлардан сотиб олиш учун молиявий манбаларни аниқлаш масалаларини ҳал этиш бўйича жорий йил 20 декабрга қадар аниқ ва амалий таклифлар киритиш вазифаси топширилади.

Еттинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда илм-фан ҳаёт талабларидан орқада қолаётгани жиддий муаммолардан биридир.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли **илмий-тадқиқот институтларининг** аграр фан ва селекцияни ривожлантириш, илғор агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, **ҳар бир ҳудудда тупроқ ва иқлим шароитига мос экин навларини** қарийб 15 минг тонна балиқ етиштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сурхондарё, Андижон ва Наманган вилоятларида Индонезиядан келтириладиган 380 минг дона сермаҳсул балиқ чавоғини ушбу мамлакат мутахассислари билан ҳамкорликда маҳаллий иқлимга мослаштириш лозим.

Тўртинчидан, мева-сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш, уни сифатли тарзда аҳолига етказиш ва экспорт қилиш ишлари, афсуски, етарли даражада эмас.

Бугунги кунда юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавотнинг атиги 15 фоизи қайта ишланиб, 8 фоизи экспорт қилинмоқда, холос. Айниқса, Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткичлар ҳамон пастлигича қолмоқда.

Жорий йилда 860 минг тонна ёки 620 миллион долларлик мева-сабзавот экспорт қилингани бизнинг имконият ва салоҳиятимизга мосми? Йўқ, албатта!

Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида боғлар ва токзорларга ишлов берадиган, сабзавот ва картошка уруғларини экадиган ва йиғиштириб оладиган техникалар мавжуд эмас, фермер, деҳқон хўжаликларига ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, уруғлик етказиб бериш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Бу ҳам ҳақиқат.

Бош вазир ўринбосарлари Нодир Отажонов, Зойир Мирзаев бир ой муддатда ҳар бир вилоят ва туманда мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш, уни қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишлари керак.

Бешинчидан, республикамиз бўйича **445 минг гектар энг унумдор ер аҳолига томорқа сифатида берилган.**

Лекин томорқадан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Бу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш тизими йўқ, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Соҳада назоратни таъминлаш, томорқа эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига қатор ваколатлар берилди.

Вазирлар Маҳкамаси (З.Мирзаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Б.Юсупов), Касаба уюшмалари федерацияси (Қ.Рафиқов), "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси (А.Абдуллаев), "Маҳалла" жамғармаси (Ш.Жавлонов), Хотин-қизлар қўмитаси (Т.Норбоева) ва ҳудудлардаги секторлар раҳбарлари уйма-уй юриб, аҳолига томорқадан самарали фойдаланиш юзасидан зарур тавсия ва амалий ёрдам бериш механизмини ишлаб чиқиб, амалга ошириши лозим.

Бу ишларни самарали йўлга қўйиш натижасида томорқалардан мева, сабзавот, картошка, кўкат, дуккакли ва бошқа маҳсулотлар етиштириш имкониятлари янада кенгаяди.

Шунингдек, аҳоли томорқаларида цитрус меваларини етиштиришга мўлжалланган иссиқхоналар барпо қилиш, ёнғоқ, унаби ва бошқа кўчатлар етиштиришни ташкил этиш лозим.

Олтинчидан, ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги 146 минг 295 та қишлоқ хўжалиги **техникасининг 38 фоизи аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган, яъни бутунлай эскирган.**

Айниқса, мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган туманлар боғ ва токзорларга ишлов бериш, сабзавот экиш, парваришлаш ва йиғиб олишга мўлжалланган техникалар билан бор-йўғи 34 фоиз таъминланган, холос. Бу меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Айни пайтда мамлакатимиз бўйича 16 минг 495 та қишлоқ хўжалиги техникаси етишмаслиги аниқланган. Бунинг оқибатида белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишнинг имкони бўлмаяпти ва шунинг учун пировард натижада кутилган самарага эришилмаяпти.

Бош вазир ўринбосарлари Зойир Мирзаев, Жамшид Қўчқоров ва Нодир Отажоновга қишлоқ хўжалиги техникасини юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, зарур ҳолларда уларни хорижий давлатлардан сотиб олиш учун молиявий манбаларни аниқлаш масалаларини ҳал этиш бўйича жорий йил 20 декабрга қадар аниқ ва амалий таклифлар киритиш вазифаси топширилади.

Еттинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда илм-фан ҳаёт талабларидан орқада қолаётгани жиддий муаммолардан биридир.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли **илмий-тадқиқот институтларининг** аграр фан ва селекцияни ривожлантириш, илғор агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, **ҳар бир ҳудудда тупроқ ва иқлим шароитига мос экин навларини**

3-бет

парваришлаб келган, яхши ва ёмон кунларида дўст билган қорабайир отларни миллатимизнинг ғурури, десак, арзийди. Фарзандларимиз қалбида мардлик, жасурлик, она юртга садоқат фазилатларини шакллантиришда ундан тўғри фойдалансак, ўйлайманки, нур устига нур бўлади.

Охирги 20 йилда эътибордан четда қолган яна бир тармоқ – **балиқчилик соҳасини** тиклаш учун "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ташкил этилди. Унинг тизимига 3 минг 600 та балиқчилик хўжалиги киритилди. Жорий йилда 580 минг гектар майдондаги табиий ва 28 минг гектар суньий кўлларда 100 минг тоннадан ортиқ балиқ етиштирилди.

Вьетнам ва Хитой технологияси асосида интенсив усулда балиқ етиштириш, уни кўпайтириш, балиқ озуқаси ишлаб чиқариш борасида ушбу мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Яна бир муҳим йўналиш – **асаларичилик соҳасини** ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси ташкил этилиб, унга асал етиштирадиган 14 мингдан ортиқ тадбиркор аъзо бўлиб кирди.

Бундай салмоқли ютуқлар ҳақида гапирганда, сиз, азиз фермер ва деҳқонлар, барча миришкорларнинг фидокорона меҳнатингизни, шу соҳа ривожига умрини, бутун ҳаётини бағишлаган инсонлар номларини фахр билан тилга оламиз.

Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Азим Латипов, Аваз Эргашев, Анорбой Эшматов, Парда Зиёдов, Сарсенбай Сейтназаров, Дўстмурод Абдуллаев, Исахон Баҳромов, Сиёсатхон Абдуллаева, Аваз Ҳосилов, Гулмат Ҳайитметов, Шарифбой Ражабов, Аҳмад Нарзуллаев, Абдумурод Бозоров, Абдурайим Ҳомидов, Патилахон Эргашева, Халчахон Мирзаева, Тўра Нарзиев каби фидойи юртдошларимиз ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди.

Сизларга яхши маълумки, ҳозирги кунда фермер хўжаликлари ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга барча зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда.

Мамлакатимизда ирригация ва мелиорация тадбирларининг барча харажатлари тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан қопланмоқда. Бу қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишда муҳим омил бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида ҳар йили давлат бюджетидан 2 триллион сўмдан ортиқ, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 400 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилмоқда.

Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта етиштирадиган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан маблағ ажратиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар 2008 йилда ушбу мақсадлар учун 80 миллиард сўм маблағ йўналтирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 300 миллиард сўмни ташкил этди.

Йил давомида қилинган машаққатли меҳнат, агротехник тадбирларнинг ўз муддатида ва сифатли ўтказилиши натижасида гектаридан ўртача 50 центнердан зиёд ҳосил олган фермерлар 1 минг 121 тани, 45 центнерлик маррани эгаллаган фермерларимиз 2 минг 130 тани, 40 центнерчилар 7 минг 208 тани ташкил этди. Бу пахтачилик бўйича ўз тажриба мактабини яратаётган фермерлар кўпайиб бораётганидан далолат беради.

Жорий мавсумда Амударё, Булоқбоши, Пахтаобод, Вобкент, Бухоро, Миришкор, Нишон, Қизилтепа, Мингбулоқ, Каттақўрғон, Нарпай, Жарқўрғон, Юқоричирчиқ, Боғот, Хонқа, Қўшкўпир туманларида пахтадан мўл ҳосил олинди.

Пахта етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган Амударё туманидаги "Амударё соҳили" фермер хўжалиги раҳбари Исломбек Маткаримов, Миришкор туманидаги "Турдиали бобо" фермер хўжалиги раҳбари Абдувоҳид Бегалиев, Пешку туманидаги "Фаттоев" фермер хўжалиги раҳбари Ёқуб Фаттоев каби фермерлар фаолияти таҳсинга сазовордир.

Ғаллачилик бўйича эришган ютуқларимизда Беруний, Олтинкўл, Қўрғонтепа, Дўстлик, Ромитан, Пешку, Шаҳрисабз, Норин, Иштихон, Пискент, Олтиариқ, Учкўприк, Қува туманлари фермерлари ўрнак ва намуна бўлдилар.

Энг асосийси, бу йил етиштирилган ғалланинг 5 миллион 200 минг тоннадан ортиғи фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳоли ихтиёрида қолдирилди. Буларнинг барчаси деҳқонларимизнинг омборлари донга, рўзғорлари қут-баракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётгани, халқимиз ибораси билан айтганда, том маънода уларнинг косаси оқараётганининг амалий далили, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сув ресурслари чекланган минтақамизда деҳқончилик қилиш, мўл ва сифатли ҳосил олиш қанчалар оғир ва машаққатли эканини сиз, шу соҳанинг моҳир усталари жуда яхши биласиз. Шунинг учун **сувни тежайдиган** технологияларни жорий этишга қаратилган тадбирлар қўллаб-қувватланиб, бунинг ташаббускори бўлган хўжалик ва ташкилотларга қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиб берилмоқда. Натижада бугунги кунда қарийб 240 минг гектар майдонда ана шундай технологиялар, жумладан, 28 минг гектар ерда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинди.

2017 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги соҳасига оид 5 та қонун, 20 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилинди, 2 та янги қўмита ва 3 та уюшма тузилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Қишлоқ туманларида ҳокимларнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий қилинди. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши сифатида қайта ташкил этилди.

Энди ана шундай ўзгаришлар амалий натижа ва самара бериши учун барчамиз бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз керак.

Қадрли дўстлар!

Шу ўринда мен бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим.

Фермер ва деҳқонларимиз қишлоқ хўжалигида асосий куч бўлиб, нафақат мазкур соҳани, балки бутун мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, халқимизнинг турмуш даражасини ошириш, юртимизни ҳар жиҳатдан обод ва фаровон қилишда беқиёс ишларни амалга ошираётганини бугун фахр ва ғурур билан, миннатдорлик билан қайд этамиз.

Ўзбек деҳқонлари она заминимизга, муқаддас тупроғимизга энг садоқатли, элу юрт тақдири учун чинакам фидойи инсонлардир. Уларнинг бундай фазилатларидан барчамиз ўрнак олсак арзийди.

Азиз фермерлар, деҳқон ва миришкорлар!

Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришаётган ютуқ ва натижаларимиз ҳақида яна кўп гапиришимиз мумкин. **Лекин ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтириш, хотиржамликка берилиш бизга ярашмайди.** Чунки қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳали ишга солинмаган имкониятлар, ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар ҳам жуда кўплигини барчамиз яхши биламиз.

Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигини ҳам модернизация қилиш борасида энг муҳим вазифаларни аниқ белгилаб, уларни изчил амалга ошириб бораётганимиз соҳадаги улкан мувоффақиятларга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун сизлар билан **ана шу масалалар ҳақида очиқ-ойдин гаплашиб, уларни ечиш йўлларини аниқ белгилаб олсак**, ўйлайманки, айни муддао бўлади. Бу келгуси йилда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида янада юксак натижаларга эришишимиз учун пухта замин яратади.

Биринчидан, ердан унумли фойдаланиш ва уни талон-тарож қилишнинг олдини олиш — энг муҳим вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда суғориладиган ерлар атиги 3 миллион 300 минг гектар бўлиб, уни кўпайтиришнинг ҳеч иложи йўқ. Чунки бизда сув ресурслари чекланган. Аҳолимиз эса йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Жойларда қатъий назорат йўқлиги оқибатида суғориладиган ерларни фермерлар ва бошқа мутасадди раҳбарлар томонидан сотиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва талон-тарож қилиш ҳолатлари, афсуски, давом этмоқда.

Жорий йилнинг ўзида 20 дан ортиқ туманда, жумладан, Бўз, Ангор, Навбаҳор, Жомбой, Оҳангарон ва бошқа туманларда суғориладиган ерлар фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган. Бундай нохуш ҳолатларни деярли барча вилоятларда кузатиш мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги мавжуд 700 минг гектарга яқин лалми ернинг бор-йўғи 300 минг гектарига ғалла ва мойли экинлар экилмоқда.

Қани, айтинглар, қолган 400 минг гектар ердан нега фойдаланмаймиз?

Бундай майдонларни ўзлаштириш, уларни мунтазам равишда деҳқончилик экинлари экиладиган ерларга айлантириш осон бўлмайди, деб ўтирсак, ўтираверамиз.

Ҳолбуки, бугунги вазият барчамиздан ташаббус кўрсатиб, жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиш, фидойилик билан меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Бундай эзгу ишга қўл урган фермер ва деҳқонларимизга биз ҳар томонлама кўмак беришга тайёрмиз.

Ўзингизга маълум, **ҳар қарич ер — давлатнинг, демакки, халқимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади.** Ундан ноқонуний, ўзбошимчалик билан фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Афсуски, ана шу оддий ҳақиқатни тушунib етмаган ёки тушунишни ва унга амал қилишни истамаётганлар ҳамон учраб турибди.

"Ергеодезкадастр" қўмитаси томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида жорий йилда 3 минг 600 га яқин фермер хўжалиги **ғалла ва пахтани шартномада қайд этилганига нисбатан 19 минг гектар ерга кам эккани аниқланган.** 833 та фермер хўжалиги эса 13 минг гектар ерда пахта ва ғалла етиштириш бўйича шартнома тузган бўлса-да, амалда бу экинларни умуман экмаган.

Унумдор ерларни сотаётган, ноқонуний тарзда уй-жой қуриб олаётган, шартномада кўзда тутилган экинларни экишдан бўйин товлаётган фермерларга нисбатан қатъий чоралар кўрадиган ва қонуний баҳо берадиган вақт келди.

Шунинг учун Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Зойир Мирзаев, мутасадди идоралар ва вилоятлар ҳокимлари бир ой муддатда ана шундай муаммоларни тўлиқ бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, кўриб чиқиш учун тақдим этиши зарур.

Иккинчидан, суғориш иншоотлари эскириб, тармоқлар яроқсиз ҳолга келиб қолгани оқибатида 830 минг гектар ерни суғоришда қийинчиликлар юзага келмоқда.

Бундан ташқари, 1 миллион 300 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, 18 минг километр коллектор ва дренаж тармоқларини босқичма-босқич тозалаш лозим. Шунингдек, 103 та йирик, 720 та ўрта ва кичик сув иншоотлари янгилаш ва таъмирлашга муҳтож.

2017-2018 йилларда бу тадбирлар учун давлат бюджетидан 1,5 триллион сўм, халқаро молия институтларининг 150 миллион доллар маблағини йўналтириш режалаштирилган. Бироқ шуларнинг ўзи билан соҳадаги мавжуд муаммоларни тўлиқ ҳал этиб бўлмайди.

Шунинг учун Бош вазир ўринбосарлари Зойир Мирзаев ва Жамшид Қўчқоров бир ҳафта муддатда давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун қўшимча маблағ ажратиш ва халқаро молия институтларининг мазкур лойиҳаларда янада кенгроқ иштирок этишини таъминлаш бўйича аниқ таклифлар киритиши лозим.

Мамлакатимизда **ер ресурсларидан самарали фойдаланиш** борасида ҳам кўплаб ишларни амалга оширишимиз зарур. Бу борада **сув омборлари тармоғини кенгайтириш** ҳисобидан лалми ерларни ўзлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш керак.

2018-2019 йиллар давомида Тошкент вилоятида жами 44 миллион куб метр сув йиғиладиган "Паркентсой", "Қизилсой", "Тоштепа" сув омборлари қурилади. Шу тариқа Паркент ва Оҳангарон туманларида 5 минг гектар лалми ерларни ўзлаштириш имконияти яратилади.

Жиззах вилоятининг Фориш туманида "Караман" сув омбори ишга туширилгач, 20 минг гектар ер ўзлаштирилади.

Қашқадарё вилоятида "Гулдара", "Аяқчисой", Самарқанд вилоятида "Булунғур" сув омборларини қурсак, бу қўшимча равишда 2 минг гектар экин майдонларини ўзлаштириш, 2 минг 300 гектар ерда сув таъминотини яхшилаш имконини беради.

Навоий вилоятидаги "Сентобсой", Наманган вилоятидаги "Қорасув", "Ертикан", "Уйчи" сув омборлари қарийб 2 баробар кенгайтирилади.

2018-2019 йилларда ирригация тармоқларини ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат дастурига мувофиқ, келгуси икки йилда 1 минг 86 километр узунликдаги қаналлар бетонлаштирилиб, 661 километр лотоклар янгидан бунёд этилади. Шунингдек, 109 та йирик гидротехник иншоотлар қурилади ва янги насос станциялари ўрнатилади.

Ана шу тадбирларни амалга ошириш натижасида 1 миллион 200 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланади.

Энг асосийси, йилига 1 миллиард 700 миллион куб метр сув тежалади ва 600 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, **"Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади"**, деган мақол бежиз айтилмаган. Соҳада катта натижага эришмоқчи бўлсак, биринчи навбатда ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерни боқишимиз, тупроқ унумдорлигини оширишимиз керак.

Учинчидан, аҳолини сифатли гўшт, сут, тухум ва балиқ маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш – энг асосий вазифаларимиздандир.

Бунга эришиш учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. 2018-2019 йилларда банк кредитлари ҳисобидан 145 та лойиҳа доирасида қўшимча 35 минг бош зотдор қорамол боқиш йўлга қўйилади. Умумий қиймати 280 миллиард сўм бўлган 80 та лойиҳа асосида қўшимча 3 миллион 200 минг бош парранда боқишга мўлжалланган хўжаликларни ташкил этиш керак. Шунинг ҳисобидан 2018 йилда тухум етиштиришни 10 фоизга ошириб, унинг умумий ҳажмини 7 миллиард 800 миллион донага етказиш имкони юзага келади.

Келгуси йилда балиқ етиштиришни 150 минг тоннага етказиш мақсадида 215 миллиард сўмлик 280 та лойиҳа амалга оширилади, 1 минг 650 гектар суньий сув ҳавзалари ташкил этилади. 25 та сув омборида Вьетнам тажрибаси асосида 13 минг тонна, 37 минг гектар шолизорда

яратиш ва жойлаштириш борасидаги ўрни ва ролини кескин ошириш лозим.

Ҳозирги кунда ана шу илмий муассасаларнинг моддий-техник базаси замонавий тадқиқотларни амалга ошириш имконини бермайди. Илмий-тадқиқот ишлари ҳамон эскича усулларда олиб борилаётгани ҳам ҳақиқат.

Соҳада замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган кадрлар етишмаётганини ҳам тан олишимиз керак. Айниқса, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ветеринар мутахассисларга эҳтиёж катта.

Чорва молларининг зотини яхшилаш, паррандаларда касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш бўйича илмий изланишлар деярли олиб борилмаяпти.

Яқин вақтгача чорвачилик соҳасида етакчи бўлиб келган юртимизда бугун зотдор моллорни фақат четдан олиб келиш билан чекланиб қолаётганимизни нима билан изоҳлаш мумкин?

Бундай эътиборсизлик ва соҳанинг эртанги ривожини ўйламасликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Ана шу ҳолатларнинг барчасини инобатга олиб, соҳага илмий ёндашувни ташкил этиш ва малакали кадрлар тайёрлаш тизимиин йўлга қўйиш мақсадида юртимизда **Ветеринария институтини ташкил этиш**нинг фурсати келди, деб ҳисоблайман.

Яна бир муҳим масала, яъни йилига мамлакатимизда етиштирилаётган 12 миллион донадан зиёд терини йиғиш, уни чуқур қайта ишлаш, айниқса, дунёга машҳур қорақўл теридан юқори сифатли, рақобатдош маҳсулот тайёрлаш бўйича ишларимиз ҳам талаб даражасида эмас.

Бош вазир ўринбосари Зойир Мирзаев тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиб, тизимни такомиллаштириш, бу борадаги экспорт кўрсаткичини 150 миллион доллардан камида 300 миллион долларга ошириш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаши зарур.

Хабарингиз бор, биз яқинда ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ҳаётимизга янги инновацион технологиялар жорий этиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида **Инновацияларни ривожлантириш вазирлигини ташкил этдик.** Ушбу вазирлик бу борада алоҳида дастур ишлаб чиқиб, қишлоқ хўжалиги соҳасига илғор технологияларни жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириши ғоят муҳим масаладир.

Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти фаолиятини чуқур таҳлил қилган ҳолда, узумнинг саноатбоп навлари, лимон ва мевали дарахт кўчатлари етиштириш — ҳозирги давр талабидир. Афсуски, ушбу институтнинг айни пайтдаги ҳолати бугунги мезон ва талабга мутлақо жавоб бермайди.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси негизида Лалмикор деҳқончилик институтини ташкил этишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Бундай илмий-тадқиқот маркази лалми ерлардан самарали фойдаланиш бўйича замонавий илмий изланишларни янада кенгайтириш имконини яратади.

Мамлакатимизда паррандачиликни ривожлантириш, жумладан, курка, бедана, ғоз, ўрдак ва туяқуш парваришлашни илмий асосда йўлга қўйиш мақсадида **Паррандачилик илмий маркази**ни ташкил этиш зарур, деб ўйлайман.

Халқимизни энг кўп истеъмол қилинадиган озиқ-овқат турларидан бири бўлган **картошка** билан тўла таъминлаш учун бизга йилига ўртача 50 минг тонна сифатли картошка уруғи керак бўлади. Бунинг учун Голландия, Польша, Россия каби давлатлар билан ҳамкорликда замонавий лаборатория ускуналарига эга бўлган **маҳаллий уруғчилик маркази ва махсус корхоналар** ташкил этишимиз керак.

Саккизинчидан, фермер хўжаликларида ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, даромад ҳажмини ошириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратишимиз зарур.

Шу мақсадда мавжуд 2 миллион 626 минг гектар майдоннинг умумий узунлиги 385 минг километр бўлган чекка қисмларида сабзавот ва полиз экинлари экишни йўлга қўйиш орқали 415 минг тонна қўшимча маҳсулот етиштиришга эришиш мумкин.

Оддий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда ҳар бир фермер хўжалиги далаcида бир бошдан, жами 14 минг соғин сигир, 21 минг 125 фермер хўжалигининг ҳар бирида 50 бошдан, жами 1 миллион 57 минг парранда, 66 минг фермер хўжалигининг дала четларида 329 минг қути асалари боқиш ҳисобидан 7 минг 200 тонна асал етиштиришни йўлга қўйиш мумкин.

Юзаки қараганда, бу оддий гапга ўхшайди. Агар масалага жиддий ёндашиб, ҳар бир рақам замиридаги маънони теран англаб етсак, булар деҳқонларимиз учун қўшимча даромад манбаи экани маълум бўлади.

Келгуси йилда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир муҳим йўналиш — бу суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари бўлларида, йирик гидротехник иншоотлар атрофидаги майдонлар ва дала четларида оддий ва арзон усулларда 30 мингдан зиёд **ихчам иссиқхоналар** ташкил этишдан иборат.

Тўққизинчидан, пахта ва ғалла экилаётган паст рентабелли майдонларни йилдан-йилга қисқартириб, уларнинг ўрнига интенсив боғлар, ёнғоқзор ва токзорлар барпо этиш, шунингдек, сердаромад бўлган соя, қалампир ва кўкатлар экиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда рапс етиштиришни кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, енгил саноат корхоналарини сифатли тола билан таъминлаш ҳақида ҳам жиддий ўйлашимиз керак. 2018 йилда мамлакатимизда етиштирилаётган 1 миллион 200 минг тонна пахта толасини юртимизда тўлиқ қайта ишлаб, хорижга фақат тайёр маҳсулотлар экспорт қилишни йўлга қўйишимиз зарур.

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида амалда қўлланган — пахтани етиштиришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни ўз ичига қамраб олган **кластер** усулига биз Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги сифатида қарамоқдамиз.

Бу истиқболли тажрибани кенг ёйиш мақсадида мамлакатимиздаги ўттиздан зиёд енгил саноат корхонасига тўрт юз минг гектардан кўпроқ пахта майдонлари бириктириб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Нигматович Ариповга тегишли комплекс раҳбарлари, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бу масала бўйича қарор лойиҳасини 15 кун муддатда ишлаб чиқиш, вилоят ҳокимларига лойиҳа ташаббускорлари учун барча зарур шароитни яратиб бериш вазифаси топширилади.

Қолган пахта майдонларида ҳосилдорликни ошириш ва ердан самарали фойдаланиш мақсадида чигитни "қўшқатор" ва "олтмишлик" схемаси асосида экишни йўлга қўйиш ва самарасиз бўлган "тўқсонлик" схемадан босқичма-босқич воз кечиш керак. Шунингдек, хитойлик олимлар билан ҳамкорликда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида ғўза парваришини замонавий технологиялар асосида олиб боришимиз зарур. Сурхондарё, Самарқанд ва бошқа вилоятларда томчилатиб суғориш технологияларини кенг жорий этишимиз лозим.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Бугунги кунда олдимизда турган энг асосий муаммолардан бири бу — республикамиз қишлоқ хўжалигида илм ва амалиётнинг бир-биридан узоқлашгани, аксарият ҳолларда узилиб қолганидир.

Бир ҳақиқат барчамизга яхши маълум: **илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва, умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди.**

Афсуски, кейинги 20 йил мобайнида биз аграр тармоқни илм-фан ютуқлари асосида ривожлантиришга етарлича эътибор бермадик, эътиборсизлигимиз туфайли мавжуд илмий-текшириш институтлари молиявий муаммолар гирдобига, ночор аҳволга тушиб қолди, таъбир жоиз бўлса, "чалажон" бўлиб қолди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази (собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси) таркибида айни пайтда 11 та илмий- тадқиқот институти ва 44 та илмий-тажриба станцияси мавжуд.

Бундан ташқари, бевосита Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 4 та олий таълим муассасаси ва уларнинг 3 та филиали, шунингдек, 132 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Лекин Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтларининг илмий салоҳияти ва кадрлар тайёрлашдаги мавқеи йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Агар ўтган асрнинг 80-90 йиллари билан солиштирадиган бўлсак, ушбу олий таълим муассасаларида илмий, педагогик ва амалий тажриба борасида салоҳият кескин пасайиб кетган.

Қишлоқ хўжалигида аниқ мезонлар асосида кадрлар тайёрлашнинг ягона тизими мавжуд эмас. Бунга вазирлик ва олий таълим даргоҳлари раҳбарлари ҳам умуман эътибор қаратмаяпти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун олий таълим муассасаси ёки коллежда ўқиётган талаба эртага қаерга ишга боради, амалиётда унинг билим ва мутахассислигига айнан қандай талаблар қўйилади, у шу талабларга жавоб берадими-йўқми — буни ҳеч ким билмайди.

Ҳатто шу даражага бориб етдики, аудиторияда талабага бошқа нарса ўқитилади, амалиётда эса ундан умуман бошқа билим ва кўникма талаб этилади. Аграр тармоқдаги бирор-бир олий ёки ўрта махсус таълим муассасаси ишлаб чиқариш ёки амалиётнинг аниқ буюртмаси бўйича мутахассислар тайёрлаётгани йўқ ва, афсуски, бу бўйича ҳали ҳаракат ҳам бошламаган. Шундай экан, малакали ва рақобатдош мутахассис-кадрлар тайёрлаш тўғрисида қандай гапиришимиз мумкин.

Тошкент давлат аграр университети ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти таянч ўқув даргоҳлари ва ўқув-методик марказ сифатида белгиланган эди. Лекин ҳар иккала таълим муассасасининг раҳбарияти ҳам бу борада ўз зиммасидаги вазифани тўла уддалаётгани йўқ. Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтларининг фаолиятини эса қониқарли деб бўлмайди.

Бугунги давр шуни тақозо этмоқдаки, олий таълим муассасаси ва коллежлардаги ўқув дастурлари ишлаб чиқариш, фирма ва компанияларнинг аниқ талаб ва буюртмалари асосида тузилиши ва рақобатдош кадрларни тайёрлаб бериши керак.

Агар талаб бўлса, олий таълим муассасаси ва коллеж мутахассис тайёрлаши керак, муайян йўналиш бўйича битираётган кадрларга эҳтиёж бўлмаса ёки кадрнинг билим савияси ва илмий даражаси паст бўлса, бундай ўқув муассасаси ёпилиши зарур.

Бу борада бир мисол келтираман. Фарғона водийсида бир неча йиллардан буён зарарли ҳашаротлар пахта майдонларига сезиларли даражада зиён етказяпти. Лекин водийдаги бирорта ўқув даргоҳида олим ва мутахассислар бундай касалликларга қарши курашиш ҳақида жиддий бош қотираётганлари йўқ.

Ана шундай ўткир ва ҳаётий муаммоларни ҳал этиш ва зарур ечимларни топиш мақсадида қуйидаги долзарб вазифаларни амалга ошириш талаб этилади.

Биринчидан, кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва илмий тадқиқотчиларининг иш ҳақи миқдори, жумладан, янги ўқув йилидан бошлаб докторантлар стипендияларини сезиларли даражада ошириш бўйича Молия вазирлиги (Ж.Кўчқоров) таклиф тайёрласин.

Шу билан бирга, соҳадаги олий таълим муассасаларида таълим даражасини ошириш учун уларни модернизация қилиш дастурини 2021 йилгача чўзмасдан, 2019 йил охирига қадар якунлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Барчага маълумки, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини магистратурада контракт асосида ўқитиш илмий кадрлар тайёрлашга жиддий тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун янги ўқув йилидан бошлаб қишлоқ хўжалигининг тор мутахассисликлари бўйича магистратурада кадрлар тайёрлашни тўлиқ бюджет грантлари ҳисобига ўтказиш таклиф этилади. Бу масала бўйича Молия вазирлиги тегишли ташкилотлар билан биргаликда 10 кунда таклиф киритсин.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий дастурларни молиялаштиришга Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни 2017 йилдаги 39 миллиард сўмдан 2-3 йилда 150 миллиард сўмга етказиш топширилади.

Шу билан бирга, агросаноат комплекси таркибидаги 14 та илмий-тадқиқот институтини кейинги 2 йилда Давлат бюджетидан базавий молиялаштиришга ўтказиш лозим.

Буларга қўшимча равишда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий муассасаларни замонавий лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга 20 миллион доллар ажратиш Молия вазирлигига топширилади. Бундан кўзланган мақсад – илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг илмий-тажриба станцияларини замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналари билан таъминлашни тубдан яхшилашдан иборат.

Учинчидан, юқоридаги топшириқлар бўйича Бош вазир ўринбосарлари З.Мирзаев ва Ж.Кўчқоров бир ой муддатда Президент қарори лойиҳасини киритсин.

Қарор лойиҳасида қишлоқ хўжалигида илмий изланишларни молиялаштириш ва инновацион ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган махсус жамғарма тузиш ҳақида таклиф назарда тутилсин. Жамғарманинг манбаи сифатида айрим маҳсулотларга солинадиган акциз солиғининг қатъий белгиланган ажратмаларини белгилашни таклиф этаман.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, **қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш учун барча даражадаги раҳбарлар, айниқса, туманлардаги 4 та сектор раҳбарлари масъулиятини кучайтириш талаб этилади.**

Вазир бўладими, вилоят ёки туман ҳокими бўладими — барча раҳбарлар қишлоқ хўжалиги масалалари, яъни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташаббус кўрсатиб ишлаши, энг муҳими, натижадорликка эришмоғи шарт.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида номига, кўзбўямачилик билан иш юритиб, натижага эришиб бўлмайди. Масалага ана шу нуқтаи назардан қараган ҳолда, ишдаги нуқсон ва камчиликлари учун Жиззах ва Тошкент вилоятлари ҳокимларини, бир қатор вазирлар ва туманлар ҳокимларини алмаштиришга тўғри келди.

Вақтида олди олинмаса, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашилмаса, бундай жиддий камчиликлар қишлоқ хўжалиги унумдорлиги ва натижадорликка салбий таъсир кўрсатишини барча раҳбарлар яхши тушуниб етиши зарур.

Юқорида айтилган режа ва дастурларни амалга ошириш учун бизда куч ва имкониятлар, билим ва тажриба етарли. Гап фақат ишни фидойилик ва омилкорлик билан, тўғри ва самарали ташкил этишимизга боғлиқ.

Муҳтарам дўстларим, қадрдонларим!

Бу дунёда барчамиз эзгу ва пок ниятлар билан яшаймиз.

Ҳаммамиз фарзандларимиз, набираларимиз камолини кўрсак, юртимиз тинч, халқимиз фаровон ҳаёт кечирса, деб орзу қиламиз.

Агар бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатидан кўзланган асосий мақсадни оддий сўзлар билан ифода этадиган бўлсак, у аввало халқимиз қалбидаги ана шундай эзгу орзу-ниятларни амалга оширишга қаратилгандир.

Кейинги бир йил давомида эл-юртимиз билан бўлган мулоқотлар давомида мен бу ҳақиқатга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Биз олдимизга қўйган, ҳар бир ватандошимиз кўнглида акс садо бераётган ана шу буюк мақсадларни амалга оширишга энг кўп ҳисса қўшаётган, келгусида ҳам катта ҳисса қўшадиган инсонлар қаторида аввало сиз, азизларни кўрамиз.

Барчангизни, сизлар орқали ўз ҳаётини қишлоқ хўжалиги соҳаси билан, айниқса, саховатли заминимиз билан боғлаган фидойи инсонларни, бутун халқимизни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор самимий табриклайман.

Жонажон Ватанимиздан ҳеч қачон тинчлик-осойишталик, хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Оллоҳ таолонинг ўзи барча ишларимизнинг барорини берсин.

Янги йилда ҳамма экинлардан ҳосилимиз янада мўл, хирмонимиз ҳар қачонгидан юксак бўлсин!

Ўзбек замини, ўзбек деҳқони доимо бор бўлсин, омон бўлсин, унга ҳамиша улуғ зафарлар ёр бўлсин!

Яна бир бор барчангизга катта раҳмат.

ДЕҲҚОН БУ — ҲАЁТНИНГ БАҚУВВАТ УСТУНИ, ТИРИКЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Яна бир муҳим йўналиш — асаларичилик соҳасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси ташкил этилиб, унга асал етиштирадиган 14 мингдан ортиқ тадбиркор аъзо бўлди.

Сув ресурслари чекланган минтақамизда деҳқончилик қилиш анча оғир ва машаққатли. Шу боис сув тежайдиган технологияларни жорий этишга қаратилган тадбирларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг ташаббускори бўлган хўжалик ва ташкилотларга қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиб берилмоқда. Натижада бугунги кунда қарийб 240 минг гектар майдонда ана шундай технологиялар, жумладан, 28 минг гектар ерда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинди.

Лекин бу ютуқлар хотиржамлик учун асос бўлолмайди, албатта, деди Президентимиз. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳали ишга солинмаган имкониятлар, ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд.

Аввало, ердан унумли фойдаланиш ва уни талон-тарож қилишнинг олдини олиш — энг муҳим вазифалардан биридир. Мамлакатимизда суғориладиган ерлар атиги 3 миллион 300 минг гектар бўлиб, уни кўпайтиришнинг иложи йўқ.

Яна бир муаммо – суғориш иншоотлари эскириб, тармоқлар яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда. Оқибатда 830 минг гектар ерни суғоришда қийинчиликлар юзага келмоқда.

Аҳолини сифатли гўшт, сут, тухум ва балиқ маҳсулотлари билан талаб даражасида таъминлаш ҳам энг асосий вазифалардан. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бунга эришиш учун қўшимча зотдор қорамол боқишни йўлга қўйиш, парранда боқишга мўлжалланган хўжаликларни кўпайтириш керак.

Шунингдек, мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш, сифатли тарзда аҳолига етказиш, имкон қадар кўпроқ қайта ишлаш ва экспорт қилиш ишларини янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди. Бугунги кунда юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавотнинг атиги 15 фоизи қайта ишланади, 8 фоизи экспорт қилинади, холос. Бу рақамлар Ўзбекистоннинг салоҳиятига мос эмас.

Мамлакатимиз бўйича 445 минг гектар энг унумдор ер аҳолига томорқа сифатида берилган. Лекин ундан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Томорқада цитрус мевалар етиштиришга мўлжалланган ихчам иссиқхоналар барпо қилиш, ёнғоқ, унаби ва бошқа кўчатлар етиштиришни йўлга қўйиш яхши фойда келтиради.

Қишлоқ хўжалиги техникасининг ҳолатини яхшилаш ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Мамлакатимиздаги 146 минг 295 дона қишлоқ хўжалиги техникасининг 38 фоизи бутунлай эскирган. Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманлар боғ ва токзорларга ишлов бериш, сабзавот экиш, парваришлаш ва йиғиб олишга мўлжалланган техника билан 34 фоизгина таъминланган, холос. Бу эса меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда илм-фан ҳаёт талабларидан орқада қолаётгани жиддий муаммолардан биридир. Шу муносабат билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли илмий-тадқиқот институтлари аграр фан ва селекцияни ривожлантириш, илғор агротехнологияларни ишлаб чиқариш ва амалиётга жорий этиш, ҳар бир ҳудудда тупроқ ва иқлим шароитига мос экин навларини яратиш ва жойлаштириш борасидаги ўрни ва ролини кескин ошириш лозимлигини қайд этди.

Бу илмий муассасаларнинг моддий-техник базаси замонавий тадқиқотларни амалга ошириш имконини бермайди. Замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган кадрлар етишмайди. Айниқса, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ветеринар мутахассисларга эҳтиёж катта.

Давлатимиз раҳбари бу ҳолатларнинг барчасини ҳисобга олиб, соҳага илмий ёндашувни йўлга қўйиш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш учун Ветеринария институти ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Терини қайта ишлаш соҳаси ҳам жиддий эътибор талаб қилади. Мамлакатимизда 12 миллион донадан зиёд терини йиғиш, чуқур қайта ишлаш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш бўйича ишларни фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз мамлакатимизда паррандачиликни ривожлантиришни илмий асосда йўлга қўйиш мақсадида Паррандачилик илмий марказини ташкил этишни таклиф қилди.

Маълумотларга кўра, халқимизни энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулотлардан бири бўлган картошка билан тўла таъминлаш учун йилига ўртача 50 минг тонна сифатли картошка уруғини етиштириш талаб этилади. Шавкат Мирзиёев бунинг учун Голландия, Польша, Россия каби давлатлар билан ҳамкорликда замонавий лаборатория ускуналарига эга бўлган маҳаллий уруғчилик маркази ва махсус корхоналар ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Фермер хўжаликларида ердан унумли фойдаланиш, даромад ҳажмини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2 миллион 626 минг гектар майдоннинг умумий узунлиги 385 минг километр бўлган чекка қисмларида сабзавот ва полиз экинлари экишни йўлга қўйиш орқали 415 минг тонна қўшимча маҳсулот етиштиришга эришиш мумкин. Ҳар бир фермер хўжалиги даласида бир бошдан, жами 14 минг соғин сигир, 21 минг 125 фермер хўжалигининг ҳар бирида 50 бошдан, жами 1 миллион 57 минг парранда, 66 минг фермер хўжалигининг дала четларида 329 минг қути асалари боқиш ҳисобидан 7 минг 200 тонна асал етиштириш имконияти мавжуд.

Жиддий ёндашувни талаб этадиган яна бир масала — енгил саноат корхоналарини сифатли тола билан таъминлаш. Маълумотларга кўра, шу муносабат билан 2018 йилда 1 миллион 200 минг тонна пахта толасини юртимизда тўлиқ қайта ишлаб, хорижга фақат тайёр маҳсулот экспорт қилишни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалигининг юқори самарадорлигини таъминлаш учун барча даражадаги раҳбарлар, айниқса, туманлардаги 4 сектор раҳбарлари масъулиятини ошириш талаб этилади. Барча раҳбарлар қишлоқ хўжалиги масалалари, яъни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташаббус кўрсатиб ишлаши, энг муҳими, натижадорликка эришмоғи шарт.

Анжуманда Президентимиз ушбу қутлуғ байрам арафасида аграр соҳада улкан ютуқларни қўлга киритган, юртимиз қишлоқ хўжалигининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган, бу борада ўзига хос мактаб яратган фидойи юртдошларимиздан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганини эълон қилди, уларни тантанали равишда эгаларига топширди.

Тадбир иштирокчилари давлатимиз раҳбари томонидан айтилган режа ва дастурларни амалга ошириш учун ўзларида куч ва имконият, билим ва тажриба етарли эканини, юрт равнақи йўлида ғайрат билан меҳнат қилишларини таъкидладилар.

Анжуман якунида Ўзбекистон санъат усталарининг концерт дастури намойиш этилди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
Ф А Р М О Н И

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Абдураимов Одилжон — меҳнат фахрийси

Абдурахимов Абдукахар — Наманган шаҳридаги "Транснамбат сервис" асаларичилик фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Абдурахмонов Абдунаби Абдураимович — Шароф Рашидов туманидаги "Қўрғонтепа" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Алиев Номаз Жўраевич — Қумқўрғон туманидаги "Яккатут ғаллакори" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Ахтамов Илғор Рахматович — Кармана туманидаги "Анвар Ахтамов" фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Бекбаулиев Каримбай Реимович — "Қуйи Амударё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг "Суенли" ирригация тизими бошқармаси "Суенли параллел" участкаси мухандис-гидротехниги, Қорақалпоғистон Республикаси

Белолипов Игорь Владимирович — Тошкент давлат аграр университетининг "Доривор ўсимликлар ва ботаника" кафедраси профессори

Буранов Уктам Мамаражабович — "Кармана-Конимех" ирригация тизими бошқармаси экскаватор машинисти, Навоий вилояти

Дониёров Дилмурод Амирович — Нарпай тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

Камилов Асил Икрамович — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг "Тракторлар ва автомобиллар" кафедраси доценти

Каримов Қўчқор Салимович — Қизилтепа туманидаги "Қўчқор Каримов" фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Комилов Турсунбой — Тўрақўрғон туманидаги "Комилов Турсунбой" фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Курбанов Илхам Узакович — Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Курбанова Мукаррам Тухтасиновна — Избоскан туманидаги "Избоскан пилла миришкори" пиллачилик фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Маджитов Абдувохид Абдурашитович — Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Матниёзов Пўлат Ёқубович — Боғот туманидаги "Якуб бобо ўғли Омон" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Мирзажонов Қирғизбой — Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий—тадқиқот институти бош илмий маслаҳатчиси

Мирсаатов Мирагзам Мирпулатович — "Тошкент парранда" масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, Тошкент вилояти

Наджимов Марат Фахриевич — "Ўзсувлойиҳа" акциядорлик жамияти бош директори

Озатов Эгамберди — Чиноз туманидаги "Қуюнбой ота" фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Окманов Базарбой Жумабаевич — Шовот туманидаги "Анор" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Оллаберганов Отабой Балтаевич — Хива туманидаги "Болтабой оқсоқол" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Парманов Сайдулла — Зарбдор туманидаги "Тошкескан" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Рузибоев Баходир Кучкорович — "УзГИП" масъулияти чекланган жамияти директори

Рузимурадов Гулмурат — Қарши тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, Қашқадарё вилояти

Собиров Исмоил Эшонович — Олот тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи, Бухоро вилояти

Султанов Ражаббай — Амударё туманидаги "Уста Аллаяр" фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Суюнов Эсанбай Таджибаевич — "Сирдарё-Зарафшон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг "Учтом" ирригация тизими бошқармаси участка экскаватор машинисти, Жиззах вилояти

Тажахметов Давлетали — Юқори Чирчиқ туманидаги "Тожахмедов" фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Тошболтаев Махамад Тожалиевич — Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Тошпўлатов Баҳодир Жўраниёзович — Шеробод туманидаги "Тошпўлатов Баҳодир Жўраниёзович" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Туклиев Иброхим Бадалович — Бухоро туманидаги "Ўктам Иброҳим Тўқли" фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Турсунов Нурмамат — Самарқанд вилояти Ғўза уруғчилиги бирлашмаси раиси

Тухтасинов Махмуджон — Жалақудуқ туманидаги "Обод водий соҳибкори" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Умедов Абдулло — Косон туманидаги "Заргар тонг" сув истеъмолчилари уюшмаси раиси, Қашқадарё вилояти

Усмонов Орибжон Исакович — "НоринДавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси экскаватор машинисти, Наманган вилояти

Хайитов Тоштемир Джумаевич — Каттақўрғон туманидаги "Жума Хайитов" фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Халилов Насриддин — Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг "Ўсимликшунослик" кафедраси мудири

Хоналиев Эшқурбон — Касби туманидаги "Қамаши русти-рости" фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Худайбердиева Айзада Мусаевна — Ўрта Чирчиқ туманидаги "Пилла" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси бригада бошлиғи, Тошкент вилояти

Ҳамзаев Неъматулла — Пастдарғом туманидаги "Неъматулло Шербобурлар даласи" фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Чинибекова Мамлакат Халбутаевна — Гулистон туманидаги "Гулистонагропилла" масъулияти чекланган жамияти агрономи, Сирдарё вилояти

Чориева Жумахол Қурбоновна — Бойсун туманидаги "Бойсун теракли" фермер хўжалиги пиллачиси, Сурхондарё вилояти

Шарипов Шавкат Уктамович — Самарқанд шаҳридаги "Шарқ саноат" концернининг директорлар кенгаши раиси, Самарқанд вилояти

Шурова Людмила Георгиевна — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг катта илмий ходими

Эргашев Бийтемир Тошбоевич — Зомин миллий табиат боғи нозири, Жиззах вилояти

Юсупниязов Мирзабай Турганбаевич — Нукус туманидаги "Иқлас-Оринбай" фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Юсупов Гияз Усмонович — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг "Гидрология ва гидрогеология" кафедраси доценти

"Дўстлик" ордени билан

Азизов Хайитбой Каримович — Арнасой туманидаги "Ғани ота" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Алибоев Салимжон Собирович — Учқўрғон туманидаги "Шодлик" фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Амиров Чори — Қизириқ туманидаги "Истара ғолиби" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Атабаева Халима Назаровна — Тошкент давлат аграр университетининг "Соя ва бошқа мойли экинлар етиштириш агротехнологиялари" кафедраси профессори

Атаджанов Фарход Боғибекович — Элликқалъа туманидаги "Тоҳир ўғли Боғибек" фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Атаханов Фарходжон Мамрасулович — Пахтаобод туманидаги "Ғуломқодир" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Ахмедов Холикназар Эргашевич — Бахмал туманидаги "Элёр Эргашев" боғдорчилик фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Ахмедова Мутабар Мирзарасуловна — Риштон туманидаги "Ихтиёр" фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Бабаева Ранохон Нематовна — Янгийўл туманидаги "Неъматжон олмалари" фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Бакун Анна Федоровна — Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази лаборатория мудири

Бекмуратов Рустам Эшбуриевич — Антор туманидаги "Эшбури Бекмуродов" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Бозорова Раъно Хайдаровна — Деҳқонобод давлат ўрмон хўжалиги директори, Қашқадарё вилояти

Бўтаев Равшан Одилович — Шаҳрихон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бош мутахассиси, Андижон вилояти

Гаипов Мурат Хожабаевич — Чимбой туманидаги "Ланэкстракт" қўшма корхонаси ижрочи директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Дорохова Елена Александровна — Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими

Журакулов Норйигит — Оқолтин туманидаги "Ёрбек" фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Ибрагимов Бойназар Рустамович — Янгиариқ туманидаги "Асқар Аброр Ғуломжон" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Илясов Орифжон Элмуратович — Тайлоқ туманидаги "Орзу Олим Дилмурод асаллари" кўп тармоқли асаларичиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Кистауов Нурдилла Утекулович — Учқудуқ туманидаги "Ақ шат" фермер хўжалиги чўпони, Навоий вилояти

Кожагелдиев Кенесбек Аймбетович — Томди туманидаги "Аймбет" фермер хўжалиги чўпони, Навоий вилояти

Курёзов Эгамберди — Хоразм давлат ўрмон хўжалиги ўрмон муҳандиси

Қорабоев Ғайбулло Қултаевич — Миришкор тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Мамадалиева Барно Облобердиевна — Ургут туманидаги "Ғалаба" фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Мамадумаров Ортиқмат Собирович — "Наманган агросервис МТП" масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари, Наманган вилояти

Матмуротов Гулимбой Бозорбойович — "Хоразм агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятининг Гурлан тумани филиали механизатори, Хоразм вилояти

Махматмуродов Шадияр Хайитович — Косон тумани ветеринария бўлими участка мудири, Қашқадарё вилояти

Махмудов Хайдар Хусанович — Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Сурхондарё вилояти бўйича ўрмон муҳофазаси инспектори

Нагиметов Орахбай — Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Назарова Махсуда Нишановна — Хатирчи туманидаги "Назар бобо" фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Намазов Абдукадир Джалилович — Сирдарё туманидаги "Мехридарё" фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Нематов Исроил — Мирзаобод туманидаги "Қора қайин анор шарбати" фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Нурматов Абдухошим Хожиматович — Булоқбоши туманидаги "Абдухошим Нурматов" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Орипов Ғайратжон — Бешариқ туманидаги "Ғайратжон Орипов" фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Рузиев Каримжан — "ТўполангсувГЭСқурилиш" масъулияти чекланган жамиятининг "Резаксойсувқурилиш" унитар корхонаси бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Рузматова Маъмура Ахматовна — Паркент туманидаги "Заркент Маъмура Рўзматова" фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Рустамов Севдиёр Сафоевич — Навбаҳор туманидаги "Сафо Севди" фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Сатторов Бахтиёр Шокирович — Фарғона туманидаги "Абдусаттор ота ўғли Шокиржон ҳожи" фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Солиев Алижон Амонович — Ғиждувон тумани ветеринария бўлими участка мудири, Бухоро вилояти

Тешабаев Баходир Нуманджанович — "Фарғонабалиқсаноат" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

Утарбаев Елубай Асантаевич — Тахтакўпир туманидаги "Айдос қала шарўаси" масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Қорақалпоғистон Республикаси

Файзиев Яхё Шарафович — Ромитан туманидаги "Файз" фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Хабибуллаева Мутабархон Абдубаннобовна — Фарғона шаҳридаги "Шамсуддинов" номли фермер хўжалиги асаларичиси, Фарғона вилояти

Хайдарова Насибахон Ибрагимовна — Янгиқўрғон туманидаги "Бош пиллахона" масъулияти чекланган жамияти агрономи, Наманган вилояти

Хожиева Сайёра Қўйлибоевна — Пискент туманидаги "Хожиев Довутбек" фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Холиқов Аслон Умарович — "Қуйи Зарафшон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасининг "Ўзбекистон" насос станцияси бошлиғи, Навоий вилояти

Ҳожиев Назар Қурбонович — Жондор туманидаги "Бўстон Назар" фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Чернова Галина Михайловна — Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти етакчи мутахассиси

Эшкуватов Эрмамат Бабаёрович — Ғузор туманидаги "Ғузор" қорақўлчилик масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Қашқадарё вилояти

Юлдашев Лутфулла Умрияевич — Бўстонлиқ туманидаги "Бўстон Юлдашев Лутфулла" фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Юсупов Шамситдин Эсанович — "Хархўр-Дуоба" ирригация тизими бошқармасининг "Вобкентдарё" канали бошлиғи, Бухоро вилояти

Юсупова Гулбахар Эркиновна — Беруний туманидаги "Каримов Рустамбой" фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Юсупова Гулхумор Турабовна — "Агрокимёхимоя" акциядорлик жамиятининг Ғиждувон тумани филиали бош агрономи, Бухоро вилояти

Ялгашев Шухрат Холиқназарович — "Қуйи Зарафшон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасининг Нурота сув таъминоти участкаси бошлиғи, Навоий вилояти

Яхшибаев Зокир Жураевич — Пахтакор туманидаги "Я3 Бекзод" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

"Шуҳрат" медали билан

Абдикаримов Шарибай Балтабаевич — Чимбой туманидаги "Зайир" фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Абдуллаев Бехзод Набиевич — Хўжаобод туманидаги "Хўжаобод ферузаси" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Абдухоликов Ғайрат Сайдивалиевич — Зарбдор туманидаги "Шабода шамоли" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Абитов Хожагелди Туримбетович — "Қорақалпоғистон агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятининг Тахтакўпир филиали механизатори, Қорақалпоғистон Республикаси

Авазов Дилмурод Султонмуродович — Сариосиё туманидаги "Имкон" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Авлиякулов Одил Озодович — "Қашқадарё агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятининг Қарши тумани филиали комбайнчиси, Қашқадарё вилояти

Акбаров Низомжон Эргашбаевич — Қувасой шаҳридаги "Акбаров Эргашбой боғи" фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Аллаев Ихтиёр Буриевич — Сирдарё туманидаги "Ихтиёр" фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Алланиязов Муратбай Махсетович — "Қорақалпоғистон агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятининг Қонликўл тумани филиали механизатори, Қорақалпоғистон Республикаси

Арсланов Исмаилжон Усманович — Наманган туманидаги "Уста Қурбон" фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Бабаджанов Закиржан Самандарович — Беруний туманидаги "Шукурулла Бобожонов" фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Бабажанов Камолиддин Эшонкулович — Булунғур туманидаги "Бобожон ота" фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Бабамуратов Собир Тўхтамишович — "Сурхондарё агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятининг Термиз тумани филиали механизатори, Сурхондарё вилояти

Базаров Диёр Гафурович — Ғаллаорол туманидаги "Сангзор-парранда" хусусий корхонаси директори, Жиззах вилояти

Бердимуратов Фарход Азамович — "Жиззах агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятининг Дўстлик тумани филиали механизатори, Жиззах вилояти

Буранов Ғанижон Валиевич — Сирдарё мелиоратив экспедицияси экскаватор машинисти, Сирдарё вилояти

Жураев Авазбек Адилович — Боёвут туманидаги "Зукко-зиё лочин" фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Журабоев Собиржон Абдусамадович — Косонсой туманидаги "Кушон рохи сафед" фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Жураев Дилшод Хомидович — Поп туманидаги "Хомиджон Даврон" фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Избосаров Деҳқонали Юсупжонович — Чуст туманидаги "Юсупжон ҳожи Избосаров" фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Имомов Ҳамдам Ҳайдарович — Пешку туманидаги "Қўшшаобод" фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Имомов Тулқин Шодиевич — Пайариқ туманидаги "Тўполос" фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Искандарова Мархабо Шариповна — Янгиариқ туманидаги "Янгиариқ кумуш тола" масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Хоразм вилояти

Ишназаров Хушбоқ Хужақулович — Шўрчи туманидаги "Нурмат Хўжақулов" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Каримов Хуснидин Мўминович — Асака туманидаги "Обод турмуш орзуси" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Косимов Собиржон Нарзуллоевич — "Ўзтемирйўлқурилишмонтаж" унитар корхонасининг гидротехник иншоотлар қуриш дирекцияси пайвандчиси

Қиличов Рамазон Бабажанович — "Бухоро агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятининг Қоракўл тумани филиали механизатори, Бухоро вилояти

Кутлиев Кадамбай Рахимович — Хива туманидаги "Рахимберган ҳожи Анбар" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Мадрахимов Носиржон Орипович — Қўрғонтепа туманидаги "Интер Агро Стар" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

Мамадалиев Юлдаш Кучкорович — "Ўзтемирйўлқурилишмонтаж" унитар корхонасининг гидротехник иншоотлар қуриш дирекцияси ҳайдовчиси

Марасулов Розикжон Уринбоевич — "Данғарадавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси экскаватор машинисти, Фарғона вилояти

Маткаримов Равшонбек Сабирович — "Шовот-Қуловот" ирригация тизими бошқармасининг "Урганч-арна" канали экскаватор машинисти, Хоразм вилояти

Мирзаев Шавкат Кенжаевич — Пахтачи туманидаги "Мирзаев Шухрат Кенжаевич" фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Муминов Барно Рахманович — "Ўзтемирйўлқурилишмонтаж" унитар корхонасининг гидротехник иншоотлар қуриш дирекцияси бульдозер машинисти

Норбоев Абдусамат Даминович — Денов туманидаги "Меҳнат – фаровон ҳаёт" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Норматов Баходир Абдусаломович — Оқолтин туманидаги "Баходир Нуриддин Комилжон" балиқчилик фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Пиржанова Зулфия Гадимовна — "Шовот дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти лаборанти, Хоразм вилояти

Примқулов Рўзиқул Умматқулович — Боёвут туманидаги "Сардорбек Элдорбек буюк" фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Рахматов Тухтабой Камалович — Тошкент туманидаги "Камол Тўхтабой барака" фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Рахматуллаев Нумонжон Мамаюнусович — "Фарғона агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятининг Бешариқ тумани филиали механизатори, Фарғона вилояти

Самадов Бахтиёр Халимович — Қизилтепа туманидаги "Хазина" фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Сапарматов Хуршид Мухиддинович — "Тошкент вилояти агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятининг Бўка тумани филиали механизатори, Тошкент вилояти

Толипов Саҳоб Коршибой ўғли — "Сирдарё агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятининг Сардоба тумани филиали комбайнчиси, Сирдарё вилояти

Тошниёзов Қобилжон Исмоилович — "Навоий агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятининг Хатирчи тумани филиали механизатори, Навоий вилояти

Туйчиев Сайфиддин Минигалиевич — "Ўзмахсусувқурилиш ихтисослашган компанияси" давлат корхонасининг "Сирдарёмахсуссувқурилиш" филиали ишчиси

Тураев Абдурасул Хасанович — Ёзёвон туманидаги "Хайрулла" фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Умаров Савриддин Садуллаевич — Қоровулбозор туманидаги "Умар Шариф" фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Хамроев Камолжон Журақулович — "Қашқадарё агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятининг Китоб тумани филиали механизатори, Қашқадарё вилояти

Хидиров Нормамат Сулаймонович — Янгиобод туманидаги "Шанс-Имкон" чорвачилик фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Холбоев Шарафидин Закирович — "Тошкент вилояти агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятининг Оққўрғон тумани филиали механизатори, Тошкент вилояти

Холматов Махмуд Хайитбаевич — "Ўзтемирйўлқурилишмонтаж" унитар корхонаси бош директорининг ўринбосари — гидротехник иншоотлар қуриш дирекцияси бошлиғи

Худайберганова Нуқулжон Режабовна — Қўшкўпир туманидаги "Ўртаяп биосервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

Худойбердиева Сохиба Мухторовна — Балиқчи туманидаги "Коинот" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Эргашов Нормурод Кодирович — "Ўзтемирйўлқурилишмонтаж" унитар корхонасининг гидротехник иншоотлар қуриш дирекцияси ҳайдовчиси

Юлдошев Зафар Қаршиевич — "Ўзтемирйўлқурилишмонтаж" унитар корхонасининг гидротехник иншоотлар қуриш дирекцияси экскаватор машинисти

Яхяев Уткиржон Туйчиевич — Ховос туманидаги "Сабохат Хайдаровна" фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 7 декабрь

ХАЛҚИМИЗ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУРИНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиши, юртимиз эртаси уларнинг бугун қандай инсон бўлиб улғаяётгани билан чамбарчас боғлиқлиги ёш авлод вакилларига жиддий эътибор қаратишни талаб этади. 2017 йил 30 июнь куни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани ва ушбу сана ёшлар куни сифатида белгиланган, юртимиз ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш бўйича қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили доирасида навқирон авлод вакиллари билан юзма-юз мулоқот ва учрашувлар ташкил этилиб, уларнинг муаммолари ўрганилаётир, ёшлар камолоти масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёшларимизда фаол ҳаётий нуқтаи назар, аниқ бир мақсадга интилувчанлик изчил шаклланиб бораётир. Бироқ бугунги глобаллашув даври фарзандларимизни турли салбий таъсир ва оқимлардан асраб-авайлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришни тақозо этади. Президентимиз маърузасида қайд этилганидек, ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини, маърифий исломни болаларимиз онгига сингдириш мақсадида Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкент шаҳрида эса Ислом цивилизацияси маркази барпо этилаётир. Бу ёшларимизнинг буюк аждодларимиз қандай улуғ ишларни амалга оширгани ҳақида чуқур билим ва тасаввурга эга бўлишларига хизмат қилади. Уларнинг қалбида бой тарихимиз, маданий меросимиз билан фахрланиш туйғуси камол топади, ислом динининг ҳақиқий маърифатпарвар, эзгу дин эканлиги ҳақида зарур билимларга эга бўладилар.

Ёшлар сиёсатига оид ишларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 июлда парламент аъзолари ҳамда сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида сиёсий партиялар олдига қўйилган устувор вазифалар, хусусан, ёшлар билан ишлаш борасидаги фаолиятимизни янада жонлантириш бўйича илгари сурилган ғоя ва таклифлар ЎзМТДП фаоллари ва депутатларининг доимий эътиборида бўлиб келаётир. Ёшлар вакиллари билан юзма-юз мулоқот ва учрашувлар давомида уларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари, ваколатлари янада кенг тушунтирилиб, йигит-қизларни яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишга, ўз шахсий фаолиятини йўлга қўйишга даъват қилинмоқда. Айниқса, уюшмаган ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан ишлаш борасида партия ташкилотлари вакиллари ҳамда депутатлардан иборат ишчи гуруҳлар тузилиб, жойларда тушунтириш-тарғибот ишлари мунтазам олиб борилаяпти. Уларни иш билан таъминлаш, ўқиш ва фойдали машғулотларга кенг жалб этиш, йигит-қизларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли мутасаддилар билан биргаликда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Партиямизнинг биргина "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида шу пайтга қадар икки мингдан ортиқ ёшларнинг қўшимча бепул таълим олиши ва касб-ҳунар эгаллашига. Уларнинг эллик фоизини уюшмаган ёшлар ташкил этади. Бундан ташқари, "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида жойларда икки мингдан ортиқ хонадонга кирилиб, уюшмаган ёшлар билан юзма-юз мулоқот қилинди. Уларнинг уч юздан ортиғи ишга жойлашишига кўмаклашилди. Мазкур йўналишдаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ёшларга қулай шарт-шароит яратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида Бош қомусимиз асосида мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлар бугун кенг қулоч ёйиб, ёшларни янги марралар сари руҳлантираётгани эътиборга молик. Президентимиз маърузасидан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил давом эттиришда партия ташкилотларимиз ҳамда депутатлик бирлашмаларимиз фаол иш олиб боради.



Феруза МУҲАММАДЖОНОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари

Адолатли, инсонпарвар ва демократик тамойиллар асосида ишлаб чиқилган, жамият эҳтиёжлари ҳамда давр талабларига мос келадиган Конституциямиз ҳар бир фуқаро, ҳар бир соҳа вакили учун энг олий қадрият ва муқаддас ҳаётий мезон ҳисобланади. Бу йил Бош қомусимиз қабул қилинганига 25 йил тўлди. Шу муносабат билан юртимизда мазкур байрам кенг нишонланмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 7 декабрь куни Конституциямиз қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси моҳият эътибори ва таҳлил кўламига кўра муҳим тарихий ҳужжатлар сирасига киради. Унда қайд этилганидек. йигирма беш йил — тарих учун бир лаҳза, холос. Аммо шу қисқа даврда мамлакатимиз мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси сифатида эркин, озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз ўз маърузасида "биз Асосий қонунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш борасида ҳали олдимизда улкан вазифалар турганини яхши тушунамиз. Яъни, халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак. Энг аввало, одамларимиз ислоҳотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур", деб алоҳида таъкидлади. Бу борада ҳар томонлама чуқур ўйланиб, пухта ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси конституциявий нормаларни, жамият ҳаётининг барча соҳасидаги тизимли ислоҳотларни амалга оширишнинг "йўл харитаси"га айланди. Ҳаракатлар стратегияси доирасида 20 дан ортиқ қонун ва 700 дан зиёд қонуности ҳужжати қабул қилингани ушбу ислоҳотлар изчил ва самарали амалга ошаётганидан далолат беради. Давлатимиз раҳбари ўз сўзида юртимизда эришилаётган ютуқларга ҳам тўхталиб, бугунги кунда мамлакатимизнинг янги қиёфаси шаклланаётганига урғу берди. Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, инсон манфаатларининг том маънода устувор бўлишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Ҳокимиятнинг вакиллик органлари — парламент, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва аҳамияти тубдан ўзгариб, Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилмоқда, парламент ва жамоатчилик назорати институтлари мустаҳкамланмоқда.

Давлатимиз раҳбари маърузасида "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги қабул қилинган янги қонун хусусида тўхталиб, ушбу қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини янада оширишга қаратилгани таъкидланди. Эндиликда фуқаролар ҳар қандай давлат органи, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳуқуқий ахборотни ҳеч қандай чекловсиз олиши кафолатланади.

Шунингдек, маърузада қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизимини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. "Жамиятимизда **"Қонун ва адолат — устувор, жиноятга жазо — муқаррар"** деган принципни қарор топтириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз", деди давлатимиз раҳбари. "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилгани ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқимизни фаровон ҳаётини таъминлаш бўйича олдимизда турган муҳим вазифалар, саккиз йўналишдан иборат устувор масалаларни белгилаб берди. Президентимизнинг мазкур тарихий маърузасида тилга олинган турли йўналишдаги ҳар бир муаммо ва масала унинг оқилона ечими билан бирга кўтарилгани ҳар биримиздан келгуси фаолиятимизни "Буюк келажагимиз бугундан бошланади", деган шиор асосида ташкил этишимизни тақозо этади. Бу вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг қуйи палатадаги фракцияси аъзолари камарбаста бўлди.

Акмал РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч-осуда, фаровон ҳаётини таъминлашнинг муҳим асосидир. Асосий қонунимиз миллий қадриятларимиз асосига қурилган, ўзида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган жиҳатларини акс эттирган. Бош қомусимиз — истиқлолимиз ва мустақил Ўзбекистоннинг давлат рамзи, ғурур-ифтихори, миллати, дини, тилидан қатъи назар шу заминда истиқомат қилаётган барча учун мустаҳкам ҳимоя, у нафақат бугунги куннинг қомуси, балки эртанги кунимиз, кучли фуқаролик жамиятимиз истиқболини белгилаб берувчи дастуриламал ҳужжатдир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида "Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан улуғ", деган ғоя асосида бетимсол ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Бу амалий ишлар, ўз навбатида, Конституциямизнинг асосий тамойилларини рўёбга чиқаришда яна бир улкан қадам бўлди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ташкил этилиб, одамларнинг дарди, ўй-ташвишлари тингланаётгани, муаммоларни жойида ҳал этиш чоралари кўрилаётгани бунинг яққол тасдиғидир. "Биз халқ ичига кириб бориш, аҳоли билан мулоқот ўрнатиш йўлида биринчи қадам сифатида ҳар бир туман ва шаҳарда Халқ қабулхоналарини ташкил этдик. Улар одамларнинг кўплаб муаммоларини ечишда амалий ёрдам берадиган яхлит тизимга айланди. Бир йилда 1,5 миллионга яқин мурожаат кўриб чиқилди", деди давлатимиз раҳбари. Дарҳақиқат, ушбу тузилмалар барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизимига айланди, десак муболаға бўлмайди. Бугунги кунда аҳолининг Халқ қабулхоналарига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Ушбу тузилмаларнинг давлат органлари мансабдор шахслари масъулиятини оширишдаги роли ҳам борган сари янада кўпроқ сезилмоқда.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили доирасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси тизимида ҳам Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича сектор ташкил этилди, ҳудудий партия ташкилотларида худди шу йўналишда ишловчи ходимлар фаолияти йўлга қўйилди. Партия томонидан жойларда ташкил этилаётган сайёр қабуллар ўз самарасини бермоқда. ЎзМТДП фаолиятида жорий этилган мазкур тизим партиянинг жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш ва уларнинг ариза, шикоят ҳамда таклифларини кўриб чиқиш имкониятларини кенгайтириб, аҳолини партияга тобора яқинлаштираётир.

Бу жараёнда фуқароларни қабул қилиш, уларнинг ариза, шикоят ва таклифларини кўриб чиқиш, шу орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ҳам аҳоли мурожаатлари асосида жойлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашмоқда. Шу билан бирга, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёхуд янги ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан таклиф ва ташаббуслар ҳам шакллантирилаётир.

2018 йилда ҳам партия ташкилотлари ҳамда депутатлар сайловчилар, фуқаролар мурожаатини эътиборсиз қолдирмасдан, халқ билан мулоқотни янги босқичга олиб чиқиб, электорат манфаатлари ҳимоясини таъминлашга бор куч ва имкониятини сафарбар этади.

Шоҳида АРИПОВА,
халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, Сенат аъзоси

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг хоҳиш-иродаси, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларини акс эттирган Бош қомусимиз тинч ва осуда ҳаётимизни таъминлаб, келажаги буюк, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда муҳим ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда. Унда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар фуқароларда фаровон ҳаёт ва эртанги кунга ишончни янада мустаҳкамламоқда. Бугун мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик Асосий қонунимизда белгиланган ҳуқуқ ва кафолатларнинг амалдаги ифодасидир.

ФАРОВОН ТУРМУШ КАФОЛАТИ

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ҳаяжон билан тингладик. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки ўтган бир йил ичида амалга оширилган, амалий натижасига кўра бир неча йиллар самарасига тенг ўзгаришлар барчамизнинг кўз ўнгимиздан ўтди, шу билан бирга, бугуннинг, эртанинг, яқин келгусининг энг муҳим, бир лаҳза бўлсин, эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган вазифалари нималардан иборатлигини тушуниб етдик.

Эътибор беринг: йил давомида қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 24 мингта, шаҳарларда 187 та замонавий кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди, аҳолини марказлаштирилган тармоқлар орқали сув билан таъминлаш мақсадида 218 та лойиҳа амалга оширилди, 350 минг аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. Қишлоқ врачлик пунктлари негизида 800 га яқин оилавий поликлиникалар, 400 дан зиёд тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилди. Тез тиббий ёрдам хизматчилари 1 минг 260 та махсус транспорт воситаси билан таъминланди. 300 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаси таъмирдан чиқарилди.

Бу рақамлар неча минглаб юртдошларимизга муносиб ҳаёт кечириши, соғлиғини тиклаши ва ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун шароит яратилганидан далолат беради.

Кейинги бир йилда Ўзбекистонда асосий эътибор халқнинг ишончини қозонишга қаратилди. Маърузани тинглар эканман, ахир халқнинг дарди-ю қувончига шерик бўлиш, уларнинг қалбига йўл топиш ва бу йўлда саодатга эришишдан олий мақсад борми инсонга, деган ўй хаёлимдан ўтди. Халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат сифатида сайловчилар, аҳоли билан бевосита мулоқот жараёнида бугун одамларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга бефарқ эмаслиги, ҳаётидан рози бўлиб яшаётгани ва аҳоли ижтимоий ҳимояси учун қилинаётган кенг кўламли ишлардан минатдорлигини кўриш, кузатиш мумкин. Биргина Қоровулбозор туманида шу йилнинг ўзида 10 та 3 хонали намунавий лойиҳадаги, 1 та 16 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилгани, уларда юзлаб оилалар тинч ва хотиржам, шукроналик билан яшаётгани ҳам фикримизга яққол далил бўла олади. Бу каби ишлар кўлами кириб келаётган йилда ҳам жадал давом этиши, бу жараёнда биз депутатларни ҳам фаол иштирок этишга, аҳолини ўйлантираётган муммолар ечимига қаратилган ишларимизни янги босқичда давом эттиришга бор куч ва имкониятимизни сафарбар қилишга ундайди.

Ўткир ЖУМАЕВ,
халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат



"ЧОРВОҚ" ЭРКИН ТУРИСТИК ЗОНАСИ

САЙЁҲЛАРГА ЯНГИЧА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида 2 миллион 600 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ана шундай улкан мегаполис шаҳарда баҳор мавсуми, айниқса, ёзнинг иссиғида қизғин иш кунларидан сўнг ҳар бир кишининг салқин ва сокин жойда мароқли ҳордиқ чиқаргиси келади. Қолаверса, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаётимиз, техника ва ахборот технологиялари тараққиёти одамларни сершовқин шаҳардан бир муддат узоқлашиб, оромбахш табиат қўйнида дам олишга чорлайди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани пойтахт аҳолиси ҳордиқ чиқариш учун энг яқин, қулай ва мақбул ҳудуд саналади. Айниқса, тумандаги Чорвоқ, Чимён, Хумсон дам олиш масканлари йилнинг тўрт фаслида ҳам гавжум бўлади. Албатта, баҳорда табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлиш, балиқ овлаш, ёзда тоғлар қўйнига чиқиш, тиниқ, зилол тоғ суви билан тўлдирилган сунъий сув ҳавзасида чўмилиш, қишда оқликка бурканган виқорли тоғлар чўққисидан Ватан манзарасини кузатиш, чанғи учиш кишига ўзгача завқ-шавқ бағишлайди.

Бу ҳудуд шундай йирик туристик салоҳиятга эга бўлишига қарамай, соҳада муайян камчилик ва муаммолар мавжуд эди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Чорвоқ" эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда туризм соҳасига қаратилаётган юксак эътиборнинг мантиқий давоми, Тошкент вилоятининг туристик салоҳияти самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришда муҳим асос бўлади.

Фармонда Чимён-Чорвоқ рекреация ҳудудида "Чорвоқ" эркин туристик зонасини ташкил этиш, замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар объектларни қуриш назарда тутилган. Алоҳида таъкидлаш жоиз, янги ташкил этилаётган "Чорвоқ" эркин туристик зонаси юртимизда ягона бўлиб, бу борадаги ташаббусларнинг бошланишидир.

Бугун жаҳон туризм индустриясида экотуризм — табиатни табиий муҳитга зиён етказмасдан ўрганиш ҳамда ундан завқ олиш мақсадида уюштириладиган сайёҳлик кенг оммалашмоқда. Бу — хоҳ пиёда ё отда, туя ва автомобилда табиат қўйнига саёҳат қилиш имконияти. Бу йўналишдаги сайёҳлик турлари маълум ҳудуднинг ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан танишиш, кино ва фото тасвирга олиш, илмий ботаник, зоологик, археологик, геоморфологик ва экологик тадқиқотлар ўтказиш ниятида ташкил этилади. Шунингдек, альпинизм спорти билан шуғулланиш, қишлоқ ҳудудлари бўйлаб саёҳат, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, урф-одатлари билан танишиш мақсадларига хизмат қилади.

Чорвоқ, Чимён, Хумсон ва Белдирсой дам олиш масканлари айни шундай мақсадларга тўла-тўкис хизмат қилиши ва бу ерда йилнинг тўрт фаслига мос экосаёҳатни амалга ошириш мумкин. Аммо айни пайтда ушбу дам олиш масканларидаги мавжуд инфратузилма ва туристларга хизмат кўрсатиш даражаси бугунги кун талабларига жавоб бера оладими?

Давлатимиз раҳбари фармонида "Чорвоқ" эркин туристик зонасининг мақсад-вазифалари аниқ белгилаб берилган. Эркин туристик зонада замонавий туризм инфраструктураси объектларини, туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни таъминлаш, махсус функционал ва мавсумий реакцион дам олиш зоналарини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий ва мамлакатимиз инвесторлари инвестицияларини жалб қилиш, ҳудуднинг экомуҳити имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос туристик йўналишларни ташкил этиш назарда тутилган.

Шунингдек, қулай ва арзон транспорт воситалари билан таъминлаш, ҳудудда транспорт ҳаракатининг янги — поезд, электропоезд, автобус каби муқобил энергия манбаларида ҳаракатланувчи турларини жорий этиш, йўловчи транспорти ҳаракатининг йўналишларини кенгайтириш, уларнинг тўхтовсиз ҳаракатини амалга ошириш, транспорт инфраструктурасини ривожлантириш каби мақсад-вазифалар белгиланган. Фармонда туристлар хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Туристик инфратузилма объектларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, огоҳлантириш тизимларини ташкил этиш, зона ҳудудига келувчи туристлар ҳақида ягона маълумотлар базасини, фавқулодда ҳолатларда тез ёрдам бериш тизимини жорий этиш шулар жумласидандир.

Мухтасар айтганда, мазкур фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимиз туризм салоҳиятини янада ошириш, туристлар оқимини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўз сайловолди Платформасида мамлакатимиз туризм салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишни, сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланишини, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг қулайлигини таъминлашни мақсад қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони ижросини таъминлашда муносиб иштирок этади. Унда белгиланган вазифалар партиянинг туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларида алоҳида ўрин олиб, аниқ ташаббусларни илгари суришда пойдевор вазифасини ўтайди.

Дониёр ТОШБОЕВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи



Сайловчилар билан юзма-юз

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига кўрсатилган номзодлар пойтахт туманлари равнақи, фуқароларнинг ҳаёти ва турмуш тарзи, интилиш ва хоҳишларига мос вазифаларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Айни кунларда улар ўз сайлов округидаги сайловчилар билан учрашиб, фуқароларни партия позицияси, сайловолди Платформаси ҳамда ўз сайловолди дастурлари билан таништирмоқда.

1-Ҳасанбой сайлов округидан халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгашига ЎзМТДПдан кўрсатилган номзод Ойбек Ҳазратов тумандаги "Шарқ юлдузи", "Ҳасанбой" маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловчилар билан учрашди. Учрашув давомида номзод партия сайловолди Платформасига асосланган ҳолда ўз сайловолди дастурида илгари сурилаётган мақсад-вазифалар хусусида сайловчиларга батафсил маълумот берди.

Номзод туман иқтисодиётини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш, ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш, уларни қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилган. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари яратилиб, ҳудуддаги ишсизлик муаммосини бартараф этишга хизмат қилади. Ишлаб чиқариш муассасалари фаолиятини кенгайтириш, айниқса, партия дастурий вазифаларига мос равишда ёшлар бандлигини таъминлаш, уюшмаган ёшларни мақсадли фаолиятга жалб этишда муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, номзод ҳунарманд, тадбиркор йигит-қизларга ўз фаолиятини бошлаши учун имтиёзли кредитлар ажратилиши билан боғлиқ масалаларга кўмаклашишни илгари сурмоқда.

Ўз навбатида, сайловчилар ўзларини ўйлантираётган муаммолар, ҳудуддаги мавжуд масалалар юзасидан номзодга мурожаат қилдилар.

— Ҳудудимизда аҳоли, жумладан, мактаб, мактабгача таълим муассасаси ва касб-ҳунар коллежларига қатнайдиган фарзандларимиз сони кўп, — дейди сайловчи Дилсўз Зойирова. — Шу боис ҳудуддаги мавжуд таълим муассасалари барча ўғил-қизларимизни қамраб ололмайди, улар узоқроқ ҳудуддаги таълим масканларига қатнашига тўғри келмоқда. Бошқа туманлардаги таълим масканларига қатнайдиган фарзандларимиз учун эрталаб ва кечқурун автобуслар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

30-Қўйлиқота сайлов округидан халқ депутатлари Миробод туман Кенгашига ЎзМТДПдан кўрсатилган номзод Васила Файзиева Қўйлиқота ва Баротхўжа маҳаллалари сайловчилари билан учрашди. Унда аввало, юртимизда барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида тўхталиб, ушбу саъй-ҳаракатлар юртимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилгани таъкидланди.

— Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадрият, урф-одат ва анъаналар ҳамда тарихий меросимизни асраб-авайлашга кўмаклашиш партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан ҳисобланади, — деди учрашувда В.Файзиева. — Ёшлар маънавиятини юксалтириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, халқ амалий санъати мактабларини ривожлантириш, ҳунармандларнинг самарали фаолияти учун зарур шароит ва имкониятларни янада кенгайтиришимиз лозим. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳунармандлик натижасида яратилаётган ноёб санъат асарларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш партиянинг асосий мақсадларидан саналади. Мақсадим — партиянинг "Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари" ғоясини ҳаётга татбиқ этиш орқали фуқароларимизда миллий ўзликни англаш, қадрият ва анъаналаримизни эъзозлаш каби туйғуларни мустаҳкамлашга хизмат қилишдир.

Депутатликка номзод учрашувда таъкидлаганидек, музейлар ёшлар тарбиясида алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу маънавият масканлари ёшлар қалбида юксак ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш, уларда умуммиллий бирдамлик, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, маънавий етуклик каби фазилатларни камол топтириш, фарзандларимизни турли таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади. Шу боис туман ҳудудида жойлашган музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда реконструкция қилиш, моддий техник-базасини янгилаш, уларнинг фондини экспонатлар билан янада бойитиш ва ёшларни уларга кенг жалб этиш ишларига кўмаклашиш номзоднинг устувор мақсадларидан бири сифатида қайд этилди.

7-Ёнғоқ сайлов округидан халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига ЎзМТДПдан кўрсатилган номзод Муниса Абдураҳмонова Абдулла Қодирий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида сайловчилар билан учрашди. Учрашув самимий, очиқ-ошкора руҳда ўтди. Унда депутатликка номзод партия Дастурига асосланиб амалга оширмоқчи бўлган ишларини аниқ мисоллар асосида сўзлаб берди.

— Мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган кенг қамровли изчил ислоҳотлар самарадорлигини, мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларида таълим сифатини юксалтириш, ёшларнинг дунёқараши, билим ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратишни режалаштирганман, — деди М.Абдураҳмонова. — Чунки касбим нуқтаи назаридан ҳам ушбу соҳадаги долзарб масалалар, ўз ечимини кутаётган муаммолар, ота-оналар, педагогларнинг хоҳиш-истаги, мақсад-муддаоларини, ёшларнинг бегубор орзу интилишларини яхши биламан. Сайловчилар ишончини қозониш, уларнинг оғирини енгил қилиш, турмуш даражасини янада оширишга бор куч ва меҳнатимни сафарбар қиламан.

Учрашувда юртимизда кечаётган ўзгаришлар жараёнида мактаб таълимига доир ислоҳотлар алоҳида ўрин эгаллаши, айни ислоҳотлар манзилли, мамлакатимизда белгиланган миллий қонунчиликка таянилиб қатъий олиб борилаётгани таъкидланди. Номзод учрашувда ҳозир бўлган сайловчиларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарди, уларнинг таклиф ва тавсиялари билан танишди.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига ЎзМТДПдан кўрсатилган номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Мухтарама КОМИЛОВА,
Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Муносабат

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар ва янгиланишларнинг асосида инсонпарварлик, инсон ҳаёти, унинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини олий қадрият деб тан олиш каби умуминсоний ва конституциявий тамойиллар мужассам. Ушбу тамойилларнинг амалда таъминланиши инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳаётий ифодасидир.

АВФ — ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

У МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИДА ИЛК МАРОТАБА ТАТБИҚ ЭТИЛДИ

2017 йил 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз тарихида илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида белгиланган ваколатдан фойдаланган ҳолда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан авф этиш тўғрисида"ги фармонни имзолади. Бу фармон халқимизга хос кечиримлилик, раҳмдиллик ва бағрикенглик каби азалий қадриятларнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Билиб-билмай қонунни бузган, бироқ ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаган ва тузалиш йўлига ўтганлигини қатъиятлик билан намоён қилган шахсларга ушбу фармон асосида жамият ва ўз оиласи даврасига қайтиш имкони берилди.

Мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2 минг 700 нафар маҳкум, шу жумладан жазони ижро этиш колонияларидан 956 нафар турли шароитлар туфайли жиноят содир этган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, яшаш жойи ва жазони ижро этиш муассасасида ижобий тавсифланган шахслар авф этилди.

Мустақил Ўзбекистон тарихида ҳар йили амнистия тўғрисида ҳужжатлар қабул қилинган ва шахслар амнистия актига мувофиқ жазо ёки жавобгарликдан озод қилинган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: амнистия акти ва авф этиш ўртасида қандай фарқ мавжуд?

Амнистия тўғрисидаги актда фақат жиноят турлари кўзда тутилиб, озодликка чиқариладиган шахслар амнистия тўғрисидаги ҳужжат ижросини таъминлаш жараёнида аниқланади. Яъни, амнистия озодликка чиқариладиган шахсларнинг аниқ гуруҳини белгилайди. Амнистия актидан фарқли равишда, авф этиш масаласини ҳал этишдан олдин ҳар бир маҳкумнинг шахси, улар томонидан содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, содир этилиш ҳолатлари ва оқибатлари, етказилган зарарнинг қопланганлиги, шунингдек, жабрланган томон ва жамоатчилик муносабатлари ҳар томонлама пухта ўрганиб чиқилади.

Мазкур фармоннинг қабул қилинишида Президентимизнинг 2017 йил 29 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумларни авф этиш ҳақида материалларни тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилганини таъкидлаш жоиз. Ушбу фармойиш билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлигидаги жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумларни афв этиш ҳақидаги материалларни тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузилди ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, бошқа жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Мазкур ишчи гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Авф этиш масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда жойларга чиқиб, ҳар бир маҳкум билан якка тартибда суҳбатлар ўтказиш орқали уларнинг шахсини ўрганиб чиқди. Шунингдек, ўрганиш жараёнида маҳкум томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, унинг ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигига, жиноят натижасида етказилган зарарнинг қопланганлиги, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, жабрланганлар ва жамоатчиликнинг, жумладан, маҳкум яшаган маҳалла вакилларининг фикрлари ҳам инобатга олинди.

Ушбу фармон билан авф этилган маҳкумлар ўз оиласига ва жамиятга қайтиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлиш имконияти яратилди. Бу эса давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар инсонпарварлик тамойилига асосланганлигини кўрсатувчи яна бир ёрқин далилдир.

Инсон ҳаёти, қадр-қиммати баланд бўлган юртда тинчлик-осойишталик, бирдамлик ва меҳр-оқибатлилик устувор бўлади. Биз депутатлар Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ана шундай инсонпарварлик сиёсатини, мазкур фармон аҳамиятини кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этишимиз зарур. Айниқса, ушбу фармон мазмун-моҳияти Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган кечиримлилик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат каби қадриятлар устуворлигига эришиш каби мақсад-вазифалар билан муштараклиги парламент қуйи палатасидаги партия фракцияси аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди.



Шерзод ТЎХТАШЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Сайёр қабул

ЁШЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ САЙЁР ҚАБУЛИ ШУ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкил этаётган сайёр қабуллар одамларни қийнаётган муаммоларга жойида ечим топиш, мавжуд камчиликларни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Юзма-юз мулоқотларда аҳолини узоқ вақтдан буён ўйлантириб келаётган, ҳудудда мавжуд муаммолар ўз ечимини топиб, ёшлар бандлиги таъминланиб, аҳолига ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда. Бу аҳолининг ЎзМТДПга бўлган ишончи ошишига хизмат қилаётир.

Конимех ва Қизилтепа туманларида бўлиб ўтган сайёр қабулларда халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари, партия ташкилотлари ходимлари иштирок этди.

Сайёр қабулда Конимех тумани 6-умумтаълим мактаби жамоаси ўқувчи ёшларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида мактабда спорт тўгаракларини ташкил этишга амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Мазкур мурожаат ўрганилиб, жамоатчилик фикри инобатга олинди — спорт тўгараклари ташкил этиш учун зарур чораларни кўриш, бу ишга ҳомийларни ҳамда малакали спорт мураббийларини жалб қилишга келишиб олинди.

Бахтиёр Сердалиев ўн йил мобайнида кончилик саноати соҳасида фаолият юритган. 2016 йилда ишдан бўшаган. Аммо 3 ойлик иш ҳақини ҳанузгача олгани йўқ. Боз устига айни пайтда ишсиз. Сайёр қабулда фуқаро ойлик иш ҳақини ундириш ҳамда ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлашда кўмак беришларини сўраб мурожаат қилди. Ушбу мурожаат ҳам ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.

Конимех туманидаги 2-қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг темир йўл йўналишини тамомлаган Ўрозали Усмонов ҳам ҳали ўз мутахассислиги бўйича иш топа олмаган. Унинг мурожаати юзасидан туман бандликка кўмаклашиш марказига депутатлик сўрови юборилди.

Конимех туманидаги Балақарақ овулида яшовчи Гулойим Унбетбаева фарзанди Ербол Қиронбоев айни пайтда Навоий давлат педагогика институтининг 4-босқич талабаси эканлиги, ўқув-амалиётини ҳудуддаги 6-умумтаълим мактабида ўташ учун ҳамда келгусида ушбу масканда ишга жойлашишда амалий ёрдам сўради. Мазкур мурожаат юзасидан ҳам кўмак бериладиган бўлди.

Очиқ мулоқот давомида партия вакилларига маҳалла фаоллари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини кенгайтириш, кредит олиш ва бошқа масалалар юзасидан мурожаат қилди.

Қизилтепа туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси Ойдин Муродова ўз маблағи эвазига туман марказидан гўзаллик салони очмоқчи эканлигини айтиб, бунинг учун амалий ёрдам сўради. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиядан сайланган депутат Машхура Каримова мазкур мурожаатни шу жойнинг ўзида ўрганди. Натижада, туман ҳокимлиги кўмагида бўш турган бинолардан бири тадбиркор қизга ижарага олиб берилди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудимизда сайёр қабул ташкил этгани кўплаб ечимини кутаётган муаммоларнинг ҳал этилишида айни муддао бўлди, — дейди Тавоиз маҳалласида яшовчи Носир Чориев. — Ўзим коллеж талабасиман. Ўқишни тамомлагач, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчиман. Бунинг учун банкдан кредит олишни режалаштиряпман. Сайёр қабулда мана шу масалани ҳал этишга ёрдам беришларини сўрадим. Мурожаатим депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Менга кредит ажратиладиган бўлди.

— Мамлакатимизда аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш, инсон манфаатларини таъминлаш йўлида амалга оширилган ишлар ўз самарасини бермоқда, — дейди ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши раиси Илҳом Ражабов. — Бугунги сайёр қабулда кўплаб мурожаатларни ўргандик. Уларнинг аксарияти бандлик ва кредит олиш юзасидан кўмаклашишга оид бўлди. Очиқ мулоқотда аҳоли мурожаатларига депутатлар атрофлича жавоб қайтарди. Аксарият мурожаатларга шу жойнинг ўзида ечим топилди. Айрим масалалар бўйича учрашув қатнашчиларига тегишли ҳуқуқий маслаҳат берилди. Қўшимча ўрганиш ва вақт талаб қиладиган мурожаатлар юзасидан мутасадди идора ва ташкилотлар вакилларига депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Партия ташкилотларида

"ТУРИЗМ РИВОЖИГА ҲИССА ҚЎШАМИЗ"

ХЎЖАЙЛИДА МАЗКУР ШИОР ОСТИДА ЁШЛАР ФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хўжайли туман кенгашлари, "Ҳунарманд" уюшмаси, туман хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамкорлигида Хўжайли транспорт касб-ҳунар коллежида "Хўжайлида туризм ривожига ҳисса қўшамиз" шиори остида ёшлар форуми ўтказилди.

Мазкур форумни ташкил этишдан кўзланган мақсад — Хўжайли туманининг туристик салоҳиятини кенгайтириш, қадимий обидалар, зиёратгоҳлар тарихини чуқур ўрганиш ҳамда ота-боболардан мерос бўлиб, халқ орасида сақланиб келинаётган миллий ҳунармандчилик намуналари билан танишиш ва уларни аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, навқирон авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборат.

— ЎзМТДП сайловолди Платформасида мамлакатимизнинг халқаро ижобий имижини шакллантиришда туризмни самарали восита деб билиш ва уни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш каби мақсад-вазифалар илгари сурилган, — дейди ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибой Романов. — Шундан келиб чиққан ҳолда партия туризм халқимизнинг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб этиш, бу бойликнинг жаҳон демократик ҳамжамияти томонидан умумбашарият тарихий меросининг ажралмас бир қисми сифатида тан олиниши йўлида самарали хизмат қилади, фуқароларни миллий ғурур ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда туризмнинг ўрни ва аҳамиятини тарғиб этади. Шу боис партия томонидан ана шундай мақсадга қаратилган бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ёшлар форуми доирасида туманнинг иқтидорли ва ҳунарманд ёшлари тайёрлаган миллий либослар, каштачилик намуналари, миллий қўғирчоқлар, тасвирий ва ёғоч ўймакорлиги санъати, ҳунармандлик буюмлари, миллий таомлар, турли миллат вакилларининг миллий либослари кўргазмаси ташкил этилди. Иштирокчилар туризмни ривожлантириш бўйича бизнес лойиҳалар, шу билан бирга ҳудуд ёшлари эришган ютуқлар билан таништирилди.

Форумда Хўжайли транспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг "Менинг бизнес лойиҳам" тақдимоти, туман ёшлари томонидан тайёрланган бадиий чиқишлар намойиш этилди.

— Бугунги ёшлар форумида туризмни ривожлантириш бўйича ўз бизнес лойиҳам билан иштирок этдим, — дейди Хўжайли транспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шоира Мўминбоева. — Чунки туманимизда бутун дунёга машҳур бўлган Миздаҳкан тарихий археологик комплекси ва бошқа тарихий объектлар салоҳиятидан фойдаланиб, партия туман кенгаши билан қатор ишларни амалга оширишни режалаштирдик. Лойиҳалардан ушбу маданий мерос объектларига сайёҳлар оқимини кўпайтириш, туризмни ривожлантиришда ёшлар фаоллигидан фойдаланишга қаратилган вазифалар ўрин олган. Бундай бизнес лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши туманимизда туризм соҳасининг ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Гулнара НУРИМБЕТОВА,
ЎзМТДП Хўжайли туман кенгаши
Ижроия қўмитаси етакчи мутахассиси

Бугуннинг гапи

ЗАМОНАВИЙ МАМЛАКАТГА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЯРАШАДИ

ЁХУД "ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ" АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭСКИ "ЯНГИЛИГИ" ХУСУСИДА

**< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.**

Очиғи, автобуснинг келиш вақтини кўрсатиб берувчи мобиль илова ва автоматлаштирилган электрон тўлов тизими ҳақида кўпдан бери ёзмоқчи бўлардиму, негадир, ҳеч қўлим бормасди. Албатта, бунинг ўзига яраша сабаблари ҳам бор. Энг аввало, мени бу фикрдан "Тошшаҳартрансхизмат" акционерлик жамият мутасаддиларининг жамоат транспортларида яқин вақт ичида электрон тўлов тизими жорий этиши ҳақидаги хабарлари қайтарар эди. Ташкилотнинг ўша куни ўтказган матбуот анжуманида иштирок этдиму, анчадан бери ортга суриб келаётган ишимни поёнига етказишга жазм қилдим.

Ушбу анжуман жорий йилнинг октябрь ойи адоғида бўлган эди. Унда пойтахт жамоат транспорти фойдаланувчиларини хурсанд қиладиган кўплаб янгиликлар айтилди. Хусусан, "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ мутасаддилари йўловчиларга яратилаётган қатор қулайлик ва янгиликлар ҳақида сўз юритиб, "Near Field Communication" — яқин масофадаги алоқа тизимидаги тўлов хизматини "Uzmobile" компанияси билан ҳамкорликда амалга ошириши ҳақида маълумот берди. Лойиҳанинг илк синови 2018 йилнинг ўрталарига мўлжалланган экан.

Биринчи босқичда автобус ва метро, кейинроқ такси хизматида ҳам ана шундай тизим жорий этиладиган бўлибди. Ўйлаб қолдим: ахир бу хабар нечанчи марта такрорланаяпти?

"Суғур куни" фильми ёдимга тушди-ю, "тушунарли" дегандек бош чайқаб қўя қолдим. Энди бу "янгилик"нинг тарихига назар солинг.

"Тошшаҳартрансхизмат" АЖ бу "янгилик" ҳақида илк бор 2014 йилнинг 6 июлида хабар тарқатган эди. Хабарда яқин кунлар ичида автоматлаштирилган тизим имкониятидан смартфондаги илова воситасида фойдаланиш тизими йўлга қўйилиши ҳақида сўз борганди. Ўшанда мутасаддилар айни пайтда Ҳукуматнинг 2013 йил ноябрь ойидаги жамоат транспортидан фойдаланиш ва унинг сифатини ошириш борасидаги ҳужжати асосида лойиҳанинг техник ишланмалари устида иш олиб борилаётгани тўғрисида маълумот келтирилган эди.

Кутдик, амалга ошмади. Бу электрон тўлов тарихининг ибтидоси эди.

Шундан сўнг 2015 йилнинг 16 январида "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ келгуси икки йил ичида смарт-карт ёрдамида ишлайдиган тўлов тизимини яратишини эълон қилди. Хабарда айтилишича, автобусларда ушбу тизимни жорий этиш учун атиги 3-4 ой муддат талаб қилинар экан.

Яна кутдик, яна амалга ошмади.

2015 йилнинг 10-12 июнь кунлари ўзбек-француз ишбилармонлари форумида иштирок этган "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ вакили яна соҳада келажакда бажарилиши кутилаётган лойиҳалар ҳақида гапира туриб, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар йўловчи ташиш хизматида автоматлаштирилган тўловни амалга ошириш тизими жорий этилиши ҳақида маълумот берди. Унга кўра, мазкур тизим 2016 йилгача жорий этилиши керак эди. Лойиҳа 2013 йил 9 октябрда имзоланган "Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори асосида амалиётга жорий этилиши таъкидланган.



Кутишда яна давом этдик. Чет эллик ишбилармонлар гувоҳлигида берилган ваъда ҳам адо этилмади.

Кейин ҳам босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида шунга ўхшаш хабарлар бот-бот такрорланди. Лекин натижадан ҳамон дарак йўқ эди.

— "Тошшаҳартрансхизмат" акционерлик жамияти таркибига кирувчи автобусларнинг йўлкира ҳақини электрон тизимга ўтказишда, энг аввало, чет эл тажрибасини ўргандик. Айни пайтда бу борада, асосан, маҳаллий дастурчиларимиз билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз, — дейди "Тошшаҳартрансхизмат" акционерлик жамиятининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими бошлиғи Ўткир Аюпов. — Автобуслар учун йўлкира ҳақининг электрон тўлов тарзида амалга оширилиши ва бунинг қулайликлари ҳақида Вазирлар Маҳкамасига маълумот тақдим этдик ва бу ижобий баҳоланди. Ҳозирда "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ томонидан мана шу технологияни жорий этишни кўзда тутувчи қарор лойиҳаси тайёрланмоқда. Янги тизим пойтахт автобусларига қарор лойиҳаси тасдиқланганидан сўнг жорий этилади. Ҳозирда эса "Тошшаҳартрансхизмат" АЖга қарашли айрим автобусларда электрон тўлов тизими синов тариқасида ўрнатилган.

Замонавий ахборот технологиялари бугунги кунда мамлакатимизнинг барча соҳасида кенг қўлланилмоқда. Қайси тармоққа мурожаат қилманг, аҳоли ва соҳа вакиллари учун яратилган қулайликдан кўнглингиз ёришади. Биз учун куни кеча катта янгилик бўлган компьютер дастурлари ва технологиялар бугун ҳеч кимни ҳайратлантирмай қўйди. Мобиль телефонимиз кундалик ҳаётни енгиллаштирувчи дастурлар билан тўла. Аввал коммунал тўловлар учун соҳа ходимлари эшик тақиллатиб келган бўлса, бугун бундай оворагарчиликнинг ҳеч ҳожати йўқ. Тўлов ва пул ўтказмаларни уйингизда ўтириб ҳам амалга оширишингиз мумкин.

Бундай янгилик ва қулайликлар, албатта, пойтахт жамоат транспорти соҳасида ҳам жорий этилмоқда. Хусусан, автобуснинг ҳаракатланаётган жойи, вақтини тўғри ва аниқ кўрсатиб берувчи "TashBus" мобиль дастури, унинг фаолиятини ифодаловчи бекатлардаги таблолар фикримизга далил бўлади. Аммо телефонингиз ёки бекат таблосидаги маълумотларга қараб, у кўрсатган вақтда етиб келган автобусга чиқасизу чиптачининг "қани, чиқ...", деган гапидан кейин бирдан кайфиятингиз тушиб, ўзингизни 1913 йилга тушиб қолгандек ҳис этасиз. (Илк бор ўша йили жамоат транспортида мана шундай тўлов тизими жорий этилган эди).

Бу билан барча чиптачи йўловчиларга совуқ муомала қилади, деган фикрдан йироқмиз албатта. Масалан, яқинда Facebook ижтимоий тармоғининг "Потребитель.уз" гуруҳига жойлаштирилган бир ҳавола кўпчиликнинг эътиборини тортди. Хабарда айтилишича, пойтахтимиздаги 5-автобус саройига қарашли автобус чиптачиси Шуҳрат Шертоев кекса ёшли йўловчи онахоннинг қистовига қарамасдан ундан йўл кира олмаган. Унинг: "Керак эмас, биз бугун онахонлардан йўл ҳақи олмаймиз", деган гапи ўн мингдан ортиқ лайк (мавзуга билдирилган илиқ муносабат) йиғиб, 80 минг марта кўрилди, қарийб мингта изоҳга сабаб бўлди. Гуруҳдаги жами фойдаланувчиларнинг қарийб саккиз юз нафари чиптачига раҳмат айтган. Автопарк раҳбарияти эса уни рағбатлантирган.

Мабодо чиптачиси йўқ (асосан "Isuzi" русумли) автобусга чиқиб қолсангиз борми, унинг орқа томонида ўтирган бўлсангиз, урилиб-сурилиб, ўзингиз ва кўпчиликка ноқулайлик туғдирган ҳолда олд эшикка қараб ҳаракатланасиз. Ҳайдовчи чиптангизга ҳам ишонмай, ҳам ёқтирмайроқ қарайди. Бундан кўра нақд пул бўлгани яхши-да. Ана шундан кейин бир амаллаб тушиб оласиз-да, кийим-бошингизни тўғрилаб, эзғиланган оёқ кийимингизни тозалаб, иш-ўқишингизга равона бўласиз. Буни замонавий дунёда ҳеч бўлмаса ярим-бир соатлик "тарихга қайтиш", деб аташ мумкин.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, йўлкира тўлов тизимига дунёнинг кўплаб мамлакатлари транспортида қўлланиладиган ахборот технологияларини жорий этиш бизга қандай наф беради, унинг афзаллик томони нимада? Бу орқали биз, энг аввало, қуйидагиларга эришишимиз мумкин: қатновнинг анча қулай ва хавфсиз бўлиши, шаҳар бюджетининг аҳамиятли тарзда ошиши, транспорт паркларини янгилаш, автобус, метро, йўналишли такси ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун маълум миқдордаги қўшимча маблағга эга бўлиш, йўналишлардаги йўловчилар сони ва тоифасини аниқ билиш ҳамда ундаги транспорт сони ва жадвалини тўғри бошқариш, соҳадаги коррупция ҳолатини камайтириш. Шунча қулайлик ва янги имкониятлар эшигини очиб берувчи технология соҳага нима учун ҳануз жорий қилинмаётгани, албатта, ҳар қандай кишида таажжуб уйғотади.

Дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, мобил алоқа асосидаги симсиз тўлов тизими Испания, Исроил, АҚШ, Янги Зеландия, Хитой ва Чехияда муваффақиятли тарзда ишламоқда. Баъзи мамлакатларда мавжуд бўлган вақтбай чипталар ҳам йўловчилар учун анча қулай. Ҳатто бир кунлик, бир ҳафталик, ўн кунлик чипталар жорий этилган. Айрим мамлакатларда эса жамоат транспорти учун тўловни мобил хабар орқали амалга ошириш мумкин.

— Автобусларда йўлҳақи тўловини электрон тарзда амалга ошириш тизимини кенг жорий этиш бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан бири, — дейди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш гуруҳи раҳбари Абдурашид Тўлаганов. — Бу тўлов тизимини жорий йилнинг 1 май кунидан бошлаб Андижон шаҳридаги 150 автобусда синаб кўришни бошлаган эдик. Бугунги кунда Гулистон шаҳридаги 10 автобусда синов тариқасида валидатор ўрнатилди. Булар амалда ўзининг ижобий натижасини бера бошлади. 2018 йилда йўл ҳақининг электрон тўлов тизимини бутун республика бўйлаб кенг жорий этишни мақсад қилганмиз. Автобус ва микроавтобусларда йўловчилар ташишни амалга оширишнинг марказлаштирилган ҳолда мониторингини олиб бориш ҳам бугунги кун талабларидандир. Шу мақсадда Гулистон шаҳрида 60, Андижон шаҳрида 142, Фарғона шаҳрида 108 автобусга пилот лойиҳаси доирасида онлайн режимида масофадан кузатиш тизими — GPS трекерлари ўрнатилди.

Биз сувни кўрмай этик ечмайдиган халқмиз. Аввал яхшилаб синовдан ўтказамиз, текширамиз, сўнг амалиётга жорий этамиз. Бу, албатта, яхши. Аммо дунё мамлакатлари тажрибасидан аллақачон ўтган ва яхши самара бераётган шундай тизимлар мавжудки, уни чўзиш ёки ниманидир кутиш йўқотишдан бошқа нарса эмас. Чунки уларда кенг қўлланилаётган мобиль телефон, пластик карта, кредит карталарнинг барчаси бизда ҳам амал қилмоқда.

— Ишга ҳар куни автобусда бориб келаман, — дейди йўловчи Севара Нуриддинова — Чиптачининг қайтим қайтариши ҳар гал муаммога айланади: ҳам кўп вақтни олади, ҳам қайтимга майда пул топилмай қолади. Бир минг беш юз сўм пул берсангиз, юз сўмлик "топилмаслиги" важидан икки юз сўм қайтаради. Шунинг ўзи ҳам бир томондан сизни хижолатга қўйса, иккинчидан бир ойда анча-мунча пулнинг бекорга сарф бўлишига олиб келади.

Тўловнинг автоматлаштирилиши бугунги кун зарурати ҳамдир. Чунки бугун кўпчилик одам ойлик маошининг ярмидан кўпини нақдсиз кўринишда олади. Шундай экан, электрон тўлов тизими аҳолига ҳам қулайлик, ҳам замонавийлик тақдим этади. Фикримизни "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамияти сайтига жойлаштирилган **"Автоматлаштирилган йўлкира тўлаш тизими шаҳримиз автобусларида керакми?"** деган сўровномага иштирокчиларнинг 79,7 фоизи "албатта, керак", деб жавоб бергани ҳам тасдиқлайди.

Эътиборингизга яна бир маълумотни тақдим этсак-да, фикримизни ойдинлаштириб олсак. Тошкентдаги автобус хизматидан фойдаланган йўловчилар статистикаси йиллар кетма-кетлигида қуйидаги кўринишни ҳосил қилган:

**2014 йилда — 312 130 000 йўловчи;
2016 йилда — 205 891 900 йўловчи;
2017 йилда — 109 992 900 йўловчи (биринчи ярим йиллик ҳолати бўйича).**

Кўриб турганингиздек, натижа ўсиб бориш ўрнига қуйига қараб оғиб бормоқда. Ўтган икки йил ичида эса шаҳар аҳолиси мунтазам равишда ўсиб борган. Йўловчилар эса, аксинча, ўтган вақт мобайнида негадир юз миллион кишига камайиб кетган.

Хўш, бу нимани ифодалайди?

Бу аҳолининг "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ хизматидан қониқмаслиги, шу боис ўзларига бошқа қулай қатнов туридан фойдаланаётгани-дан далолатдир. Тасаввурни бойитиш учун юз миллионни ўртача минг сўмга кўпайтиринг ва акционерлик жамияти бой берган юз миллиард сўм маблағ эвазига соҳани қанча тараққий эттириш мумкинлиги ҳақида ўйлаб қоласиз. Бу маблағ қандай имконият ва янгидан янги қулайликлар тақдим этиши ҳақида эса юқорида айтиб ўтган эдик.

Баъзан "Тошшаҳартрансхизмат" АЖга қарашли корхоналарнинг автобус йўналишларида йўловчилар оқимининг текширувдан ўтказилаётганига гувоҳ бўламиз. Рости, бу қандай натижа бергани ва қандай чоралар кўрилганини на аҳоли, на бошқа биров билади. Транспортлар эса деярли ўша йўналиш бўйича қатновни давом эттираверади. Қўшимча транспортга эҳтиёжи бор йўналишларда ҳам, автобуслар сонини камайтириш ҳеч қандай салбий натижа бермайдиган йўналишларда ҳам аҳвол эски ҳаммом, эски тослигича қолаверади.

Таёқнинг икки учи бўлганидек, ҳар бир янгилик ва техниканинг ҳам қулай, ҳам ноқулай томони бўлади. Қолаверса, тўловнинг электронлашуви муайян маблағни ҳам талаб этади. Бунинг учун катта миқдорда турникет, ҳисобловчи қурилма, дастурий таъминот сотиб олиш зарур. Иккинчи томондан вақт тиғиз пайтида одамларнинг транспортга чиқиш сурати бироз секинлашиши мумкин. Бу, албатта, энг аввало, ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ жараён. Балки шу орқали ҳам ўзимизга хос навбатда туриш маданиятимизни бироз бўлса-да, ошириб олсак, ажаб эмас. Ҳар нима бўлганда ҳам янги технология бугунги кундагидан анча яхши натижани бериши, шубҳасиз.

Тўловнинг электронлаштирилган тизими жорий этилса, йўловчилар оқими ҳақидаги аниқ ва холис маълумотга эга бўлиш, шаҳар жамоат транспортидаги энг оптимал йўналишлар бўйича иқтисодий жиҳатдан ўринли вақт оралиғида ҳаракатланиш имконияти ҳам пайдо бўлади. Шунингдек, ҳар бир йўловчининг тизимдаги автоматлашган тўлови ҳисобга олиниши натижасида ташув йўналиши ва вақти бўйича йўловчилар сони ва тоифасининг реал таҳлилини олиб бориш имкониятини ҳам қўлга киритиш мумкин. Бундан ташқари, "Тошшаҳартрансхизмат"нинг ҳар бир йўналишидан олинаётган даромад бўйича аниқ тасаввур уйғонади. Шунда транспорт аҳволи ҳақида субъектив эмас, балки ишончли ахборотга эга бўлинади ва соҳани такомиллаштириш бўйича ҳар томонлама мулоҳазали қарорлар қабул қилинишига замин яратилади.

Мухтасар айтганда, "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ анча пайтдан буён пайсалга солиб келинаётган ишни амалиётга татбиқ этиш керак. Бу мамлакатнинг нафақат иқтисодиётига, балки маданий қиёфасига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Туристик салоҳияти кун сайин ўсиб бораётган юртимизга мана шундай янги ва замонавий технологиялар зарур. Кези келса, мамлакатнинг замонавий қиёфаси, туристик имконияти, аҳолига яратиб берилган қулайликлари шу каби технологияларда акс этади. "Tashkent City"дек халқаро бизнес марказлари қад кўтара бошлаган шаҳар, Марказий Осиёнинг юраги бўлган диёр, ўтмиш ва бугуни гўзал, бетакрор гўшаларида акс этган она Ватанимизга ақлли технологиялар ярашади.

**Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири**

Миллий юксалиш сари

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши ҳамда Тошкент архитектура ва қурилиш институти ҳамкорлигида ёшлар орасида миллий архитектурани ривожлантириш, замонавий шаҳарсозлик, маданий иншоотлар, турар жой биноларини қуришда миллий анъаналаримиздан кенг фойдаланишни тарғиб этиш мақсадида "Энг яхши миллий архитектура ишланмалари" мавзусида ёш архитекторларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда партия фаоллари, мутасадди ташкилотлар вакиллари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар қатнашди.

"ЭНГ ЯХШИ МИЛЛИЙ АРХИТЕКТУРА ИШЛАНМАЛАРИ"

ШУ МАВЗУДА ЁШ АРХИТЕКТОРЛАР КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Тадбирда мамлакатимизда маданий иншоотлар ва турар жой биноларини замонавий архитектура талаблари асосида барпо этиш, ижтимоий-маиший қурилишни жадал ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини реконструкция қилиш ҳамда янгилаш, уларни бунёд этишда миллий анъаналаримиздан кенг фойдаланиш борасида самарали ишлар қилинаётгани таъкидланди. Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудида уй-жой қурилиши ва инфратузилма қўллаб-қувватланаётир, жойларда бири иккинчисини такрорламайдиган меъморчилик иншоотлари қад ростлаб, йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу архитектура соҳасини янада ривожлантириш, миллий ва замонавийликни мужассамлаштирган ҳолда янги лойиҳаларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Кўргазмадан ўрин олган ёш архитекторлар лойиҳаларида ўзгача ёндашув, миллий руҳни сақлаган ҳолда замонавий сайқал билан бойитилган ишланмалар ўзига хос, кутилмаган деталларга ғоят бойлиги билан эътиборни тортади.

— Партиямиз сайловолди Платформасида қурилиш ва безак ишларида миллий меъморлик анъаналарини қўллаш, тарихий шаҳарларни қайта таъмирлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш вазифаси белгиланган, — дейди ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Бобур Қодиров. — Бугунги кўргазма айнан миллий архитектурани тарғиб қилиш ва ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, бугун юртимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз ўзгача кўриниш касб этмоқда. Албатта, бундай бунёдкорлик жараёнида бино-иншоотлар замон руҳига мос бўлиши билан бир қаторда, ўзида миллий анъаналаримизни ҳам намоён этиши зарур.

Шу ўринда ЎзМТДПнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг жойлардаги ижросини ўрганиб, Кенгаш сессияларига ташаббус масала олиб чиққанини алоҳида қайд этиш жоиз. Бунинг натижасида қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида қатор камчилик ва муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан муҳим қарорлар қабул қилинди.

— Кўргазмада намойиш этилган лойиҳалар талабаларнинг 4 йил давомида олган билимларининг маҳсули ҳамда профессор-ўқитувчилар меҳнатининг самарасидир, — дейди "Архитектуравий лойиҳалаш" кафедраси доценти Мактуба Абдужабборова. — Бу каби кўргазмалар ёш мутахассислар, бўлажак архитекторларимизнинг малака ва кўникмаларини оширишга хизмат қилади. Янги барпо этилаётган иншоотларнинг миллий анъаналар акс этган ҳолда қад ростлаши миллий архитектура мактаби ривожида катта аҳамиятга эга.

Кўргазмада фаол иштирок этган иштирокчиларга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ,
ЎзМТДП фаоли**

Давра суҳбати

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Конституция мамлакатимизда суверен демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, иқтисодиётимиз ривожи ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг асосий ҳуқуқий кафолатидир. Бош қомусимиз мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, белгиланган вазифаларни изчил ва малакали ёритиш ҳамда таҳлил этишда босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакилларининг касбий билим ва кўникмаларини ошириш — муҳим вазифа.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди "Мамлакатимизда қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритишга оид долзарб вазифалар" мавзусида ташкил қилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Жамоат фонди директори вазифасини бажарувчи Лутфулло Сувонов ва бошқалар Конституциямиз қонун устуворлиги ҳамда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мустаҳкам таянчи эканлиги, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш барча жабҳадаги ислоҳотлар жараёнида яққол намоён бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, марказий босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур давра суҳбатида асосий эътибор соҳада учраётган муаммолар, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишга қаратилди. Таъкидланганидек, Конституциянинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, ушбу мавзуни оммавий ахборот воситаларида таъсирчан воситалар орқали ёритишда журналистлар олдида қатор вазифалар турибди.

— Қабул қилинаётган барча қонун ҳужжатлари замирида фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, инсонпарвар демократик давлат барпо этиш ғояси мужассам, — деди Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиги Жасур Сирожев. — Бугун фуқароларимиз амалдаги қонунларни нафақат ўрганиши, балки уларни ҳаётга татбиқ эта олиши, амалиётда қўллай билиши, ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаши, фаол фуқаролик позициясини намоён қилиши лозим. Бунда, айниқса, оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Амалдаги ва янги қонун ҳужжатларини одамларга содда ва тушунарли тил ҳамда таъсирчан усуллар воситасида етказиш бугунги кун талабидир.

Давра суҳбатида журналистларнинг ижтимоий ва ижодий фаоллиги, ҳуқуқий билими, касб малакасини ошириш юзасидан фикр алмашилди. Конституциямиз мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этиш ва ёритишда журналистлар олдида турган вазифалар юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

**И. НОРМАМАТОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири**

Саломатлик — туман бойлик

ТИББИЁТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ
ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Халқимизда касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган яхши, деган нақл бор. Уни вақтида аниқлаш, даволаш, инсон саломатлигини доимий назоратда тутиб туриш, ҳеч шубҳасиз, замонавий тиббий асбоб-ускуналарга боғлиқ.



Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, даволашнинг замонавий технология ва усулларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда халқимизнинг муносиб ҳаёт сифатини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бугун юртимизда ишлаб чиқарилган тиббий асбоб-ускуналар қатор хориж давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Бунда Ўзбекистон тиббиёт асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар уюшмасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Одамларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон тиббиёт асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар уюшмаси раиси Отабек Жиянбоев. — Чунки шифокор қанчалик малакали ва салоҳиятли бўлмасин, тиббий асбоб-ускуналар замон талабларига жавоб бермас экан, бемор у кўрсатган хизматдан рози бўлмайди, даво топмайди. Мазкур уюшманинг ташкил топиши ҳам ана шундай талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан, десак, муболаға бўлмайди.

Уюшма шу кунга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва қозоғистонлик ҳамкорлари билан меморандумлар имзолаган. Бу эса юртимизда ишлаб чиқарилаётган тиббиёт ускуналарини хорижга кенг кўламда экспорт қилишга имкон яратади.

Уюшма бугунги кунда юртимиз тиббиёт соҳаси учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни хориждан олиб келиш, буюртмачиларга етказиб бериш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тиббиёт буюмларини чет элга экспорт қилиш билан шуғулланмоқда. Айни пайтда, яқин истиқболда ҳал қилиш учун кенг салоҳиятга эга бўлган соҳани ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
Сардор МУЛЛАЖОНОВ (сурат),
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Талбир

Бош қомусимизнинг мазмун-моҳиятини ёш авлод онгига сингдириш, ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини янада ошириш, улар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш, эришаётган натижаларини тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида Конституциямиз қабул қилинган кунга бағишлаб ҳар йили "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" шиори остида республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Жорий йилда танловнинг қуйи босқичларида 2 миллиондан зиёд ўғил-қиз қатнашди.

"КОНСТИТУЦИЯ — БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ"
РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

"Баркамол авлод" республика болалар бадиий ижодиёт марказида мазкур кўрик-танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Д.Кенжаев ва бошқалар мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбияси, хусусан, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Таълим муассасаларида Конституция фан сифатида чуқур ўқитилаётгани ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида "Конституция алифбоси", "Одобнома", "Ўқиш", "Атрофимиздаги олам", "Табиат" фанлари ўқитилмоқда. Ушбу дарсликларда ўқувчиларга илк ҳуқуқий сабоқлар — қоида, бурч, вазифа каби тушунчалар оддий ҳаётий мисоллар асосида ўргатиб келинаётир. Юқори, яъни 5-7-синфларда "Конституция оламига саёҳат", 8-синфда "Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ асослари", 9-синфда "Конституциявий ҳуқуқ асослари", 10-синфда "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фанлари ёрдамида мустақил фикрлайдиган, ҳаётий муаммоларга тўғри муносабат билдира оладиган, бурч ва масъулиятга сидқидилдан ёндашадиган заковатли ёшларни шакллантиришга эътибор қаратилади.

Якуний натижаларга кўра, бу йил республика кўрик-танловида Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 14-умумтаълим мактаби ўқувчиси Мухлиса Қурбонова иншо йўналиши бўйича биринчи, Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 103-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ирода Ҳусниддинова иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги 21-умумтаълим мактаби ўқувчиси Нилуфар Мирзабекова учинчи ўринни эгаллади.

Тасвирий санъат йўналиши бўйича Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги 30-умумтаълим мактаби ўқувчиси Дилдора Саидакбарова биринчи, Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 66-умумтаълим мактаби ўқувчиси Гулҳаё Шокирова иккинчи, Бухоро шаҳридаги 34-умумтаълим мактаби ўқувчиси Гули Раҳимова учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Тадбир доирасида кўрик-танлов иштирокчиларининг ижодий ишлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish"мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

ТИББИЙ ПРОФИЛАКТИКА ГРИППНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Қишнинг совуқ кунларида грипп ва ўткир респиратор инфекцияли касалликлар бирмунча кўпаяди. Касалликнинг аҳоли орасида кенг тарқалишининг олдини олиш ва инсон саломатлигини муҳофазалашда бирламчи тиббий профилактиканинг ўрни муҳимдир.



...Грипп вирусини касалликка чалинган беморлар тарқатади. Касаллик соғлом одамларга ҳаво-томчи йўли орқали юқади. Бемор йўталганда, аксирганда, ҳатто нафас йўллари орқали атроф-муҳитга кўп миқдорда вирус тарқатади. Вируслар билан қопланган ҳаводан нафас олган соғлом киши хасталикни юқтириши мумкин. Касалликнинг, айниқса, бошланиш даври юқумли бўлади.

Грипп тўсатдан бошланади. Соғлом одамнинг аъзои бадани увишиб, тана ҳарорати кўтарилади. Совқотади, қалтирайди. Боши, қўл-оёқлари, мушаклари оғрийди, ич кетиши кузатилади. Кўз соққасида ҳам оғриқ пайдо бўлади. Бурун битиб, нафас олишга қийналади, иштаҳа йўқолади, кўп терлайди, ҳолсизланади.

Шуни айтиш керакки, болалар, кексалар, ҳомиладор аёллар, сурункали касаллиги бор беморларда бу касаллик оғирроқ кечади. Гриппга чалинган болаларда ҳам ана шундай аломатлар кузатилади. Шу билан бирга, бола инжиқ, йиғлоқи бўлиб қолади. Касаллик зўрайганда — алаҳсирайди, талвасага тушади, қайт қилади.

Грипп енгил, оғир ва ўта оғир кечиши мумкин. Агар асорат қайд этилмаса, 2-3 кунда тана ҳарорати меъёрига тушади. Касаллик аломатлари бешинчи-олтинчи куни аста-секин йўқолади, баъзи ҳолларда 7-10 кунгача ҳам сақланади. Ушбу касаллик ўзидан асорат қолдиришини унутмаслик лозим. Айримлар бу хасталикка эътиборсиз қараб, уни "оёқда ўтказади" ёки ўзича даволанади. Ана шундай ҳолларда хасталикдан сўнг беморда менингит (мия пардаси яллиғланиши), отит (ўрта қулоқ яллиғланиши), бронхит (бронх йўллари яллиғланиши), зотилжам (ўпка тўқимаси яллиғланиши) ва бошқа бир қатор асоратлар қолади.

Агар оила аъзоларидан бири гриппга чалинса, беморни алоҳида хонага ётқизиб, зудлик билан уйга шифокор чақириш керак. Касални боғчага, мактабга, ўқув юрти ёки ишга юбормаслик керак. Унга (иштаҳаси ва хоҳишига қараб) кўп миқдорда турли суюқликлар, яъни лимонли, асалли чой, наъматак дамламаси, мева шарбатлари, қатиқ ҳамда енгил ҳазм бўладиган овқатлар бериш зарур. Бемор алоҳида сочиқ ва дастрўмолдан фойдаланиши лозим. У ишлатган нарсалар, идиш-товоқларни қайнатиш мақсадга мувофиқ.

Аксарият оилаларда шамоллаш аломатлари сезилса, беморга антибиотикларни шифокор маслаҳатисиз ичириш одатга айланган. Грипп — вирусли касаллик. Шу боис, бу пайтда антибиотиклар самара бермайди. Айниқса, болаларга аспирин ичириш мумкин эмас. Шуни унутмаслик керак, дориларни ўзбошимчалик билан қўллаш оқибатида ошқозон-ичак, асаб, ҳазм тизими билан боғлиқ ҳамда аллергик касалликлар келиб чиқиши мумкин.

Касалликнинг олдини олган афзал. Бунда эмлаш ниҳоятда самарали усулдир. Албатта, гриппга қарши эмлаш шифокор тавсиясига кўра амалга оширилгани маъқул. Шунингдек, касаллик юқишининг олдини олишда санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш ниҳоятда муҳим. Одамлар кўп тўпланадиган жойлар, айниқса, даволаш-профилактика, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ишхоналарда дезинфекция ва кимёвий ювиш маҳсулотлари воситасида тозалик ишларини кунига икки марта амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Хоналарни доимо шамоллатиб туриш ҳам яхши самара беради.

Хавфли ва жиддий асоратлар қолдирадиган гриппдан сақланиш, биринчи навбатда, ҳар биримизнинг ўзимизга боғлиқ.

Реклама

Ҳурматли юртдошлар!

"АСАКА" БАНК

ASAKA BANK

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

миллий валютада:

"ҚАДРИЯТ"

Омонатнинг сақланиш муддати 2 ой.
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"БАРАКАЛИ"

Омонатнинг сақланиш муддати 6 ой.
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"ФАРОВОН ТУРМУШ"

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой.
Ҳисобланган фоизлар омонат расмийлаштирилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

хорижий валютада:

"МАДАД"

(АҚШ долларида)
Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой.
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"ШОДИЁНА"

(АҚШ долларида)
Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой.
Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"СТАБИЛЬНЫЙ-1"

(Европа)
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой.
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга, "Асака" банк миллий валютада 17 турдаги ва хорижий валютада 10 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
— миқдори чекланмаган!

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади

"Асака" банк сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

Давра суҳбати

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида имконияти чекланган болаларни жамиятга тўлиқ ва самарали жалб қилиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Республика болалар ижтимоий мослашув маркази Халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ўтказган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Назария ва амалиётнинг ўзаро уйғунлиги Республика болалар ижтимоий мослашув маркази фаолиятида ҳам ўз аксини топган. Марказ ақлий ривожланишида нуқсони бўлган ва сурункали хасталикларга чалинган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг муаммоларини ўрганиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда.

— Ҳар бир бола ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, давлатимиз эътибори ва халқимиз меҳридан четда қолмайди, — деди Республика болалар ижтимоий мослашув маркази директори Васила Алимова. — Марказимиз "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси, мутасадди вазирликлар ҳамда хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини ривожлантириш мақсадида қатор лойиҳаларни амалга ошириб келаётир. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2012 йилдан "Болага табассум улаш" хайрия акциясини ўтказиб келмоқда. Бунда болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларда аниқланган хасталиклар даволанмоқда. Хорижлик мутахассислар бу эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшаётир.

Тадбирда таъкидланишича, айни пайтда имконияти чекланган болаларнинг муваффақиятли ижтимоий мослашиши учун коррекцион-педагогик ва психологик таъсир кўрсатишни амалга ошириш мақсадида илғор тиббий ва психологик-педагогик ёрдам шакллари ҳамда механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

— Ўзбекистонда аҳолининг барча қатлами учун етарли шароитлар яратилган, — деди БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн. — Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун ҳаммабоп муҳит яратилиб, халқаро тажриба алмашилмоқда. Барвақт ва дифференцияланган ташхислаш, реабилитация соҳасида ҳам самарали ҳаракатлар механизми ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинаётир.

Давра суҳбатида имконияти чекланган болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, таълим бериш, ривожлантириш тўғрисида фикр-мулоҳазалар тингланди.

Ўз мухбиримиз

ТУРФА ОЛАМ

ҚАДИМИЙ ҚОЯТОШ РАСМИ ТОПИЛДИ

Россиядаги Урал тоғларининг жанубий қисмида жойлашган Капова ғоридан тур тасвири туширилган қоятош расми топилди, деб ёзади "vokrugsveta.ru".

Уни граффити санъати ишқибозлари чизган "ижод намуналари"ни ўчириш учун Андоррадан махсус таклиф қилинган санъат ёдгорликларини тикловчи мутахассис Эдуаль Гийаме тасодифан аниқлади. Қоятош расмининг ёши 37 минг 700 йил деб тахмин қилинмоқда. Россиялик олимларнинг маълум қилишича, бу даврда Жанубий Уралда туядан фойдаланилмаган. Суратни тахминан юқори палеолит даврида бу ерга келган йўловчи чизган бўлиши мумкин.

Капова ғори Бошқирдистонда, Уфа шаҳридан 400 километр узоқликдаги "Шульган-Таш" табиат қўриқхонасида жойлашган. Унинг деворларида каркидон, бизон, от ҳамда мамонтнинг расмига ҳам дуч келиш мумкин. Қоятош расмларининг аксарияти бундан 17-19 минг йил аввал чизилган.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Газетамизнинг навбатдаги сони 20 декабрь, чоршанба куни чиқади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Сувон НАЖМИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1216, Адади — 4808. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Шоҳида ДАМАНОВА
Навбатчи: Исломжон ҚЎЧҚОРОВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 21.50. Топширилди — 00.20.
ISSN 2010-7714
123456